Азизлар, адолатли, меҳр-оқибатли бўлайлик!

ИШОНЧ

10

1992 йил 9 март (49)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси

ХАБАРЛАР МАҒЗИ

ТУРКИЯНИНГ НАВРЎЗОЛДИ СОВҒАСИ

Туркиядан кўтарилган самолётлар Тошкент аэропортига бирин-кетин келиб қўнаяпти. Ўзбекистон Республикаси Президенти ўтган йилнинг декабрида Туркияда бўлган чоғида ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимларга имзо чеккан эди. Одамийлик ёрдами ўша келишувга мувофиқ Тошкентга юборилмоқда.

И. А. Каримов Швейцарияда бўлганида Туркия раҳбарлари билан яна бир бор учрашди. Шундан сўнг Туркия Бош вазири Сулаймон Демирэл Наврўз байрами олдидан Ўзбекистонга 100 миллион долларлик беғараз ёрдам бериш ҳақидаги ҳужжатга имзо чекди.

Дўстларимиз ҳиммати баланд. Улар жаъми 5200 тонна ун, қанд-шакар, дори-дармон, кийим-кечак ва бошқа хил маҳсулотларни самолётларга ортиб Тошкент томон кузатиб қолмоқдалар. Одамийлик юклари икки ҳафта давомида тўла етиб келади. Бундан ташқари Туркия портларидан 600 тонна дон ортган улкан теплоходлар Одесса томон йўл олаяпти. Бу юклар ҳам бизга аталган.

Келаётган дўстлар инъомини қабул қилиб олиш ва тақсимлаш ишлари билан махсус комиссия шуғулланаяпти. Уни республика Бош вазири Абдулхошим Муталов бошқараяпти. Баъзи кутилмаган муаммоларни тезлик билан ҳал этиш, камчиликлар олдини олиш ишлари комиссия зиммасига юклатилган. Унинг таркибига ташқи ишлар, автомобил транспорти, ички ишлар, соғлиқни сақлаш, савдо вазирлари, «Ўзбекистон ҳавойўллари» миллий авиация компаниясининг бош директори, Ўрта Осиё темир йўли бошлиғи, касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси, турли жамғармалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари кирганлар.

Комиссия ҳузурида махсус ишчи гуруҳи тузилган. Тошкент аэропортида, пойтахт ҳокимияти, савдо вазирлигида штаблар ишламоқда. Зарур маълумотлар шу штабларга келиб турибди.

Келтирилаётган юклар ҳозир бир жойга йиғилаяпти. Сўнгги туркум юклар етиб келгандан сўнггина уларни вилоятларга тақсимлашга киришилади.

Турк биродарларимиз бугунги қийин шароитда бизни ҳар томонлама қўллаб қувватлашга ҳаракат қилмоқдалар. Улар беғараз ёрдамдан ташқари каттагина миқдорда қарз беришни ҳам мўлжаллаяптилар.

Бошқа бир қатор мамлакатлар ҳам бизга ёрдам қўлларини чўзмоқдалар. Бу илтифотдан халқимиз боши кўкка етаяпти. Ҳадемай биз ҳам қаддимизни ростлаб оламиз. Яхшиликка биз ҳам яхшилик билан жавоб берамиз.

Суратларда: Наврўзолди совғаси сифатида Туркиядан самолётларда келтирилган озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат моллари ва дори-дармонларни қабул қилиб олиш пайтди.

Ўз АХБОР фотохроникаси

● **БМТ** Бош Ассамблеясининг 46-сессияси мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига якдиллик билан қабул қилинди. БМТнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳи узра Мустақил Ўзбекистон Республикасининг миллий байроғи ҳилпирай бошлади.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти И. А. Каримов Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон республикалари академияларининг президентлари билан учрашди.

● **НАВРЎЗ** умумхалқ байрамини ўтказиш республика ташкилот қўмитасининг навбатдаги мажлисини, шу қўмита раиси Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Э. Самандаров олиб борди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикасига ташриф буюрган Туркия Республикаси делегацияси аъзоларини Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов қабул қилди.

● **ҚАШҚАДАРЁ** вилояти ҳокимлиги ва касаба уюшмалари вилоят кенгаши 1992 йил учун бозор иқтисодиётига ўтиш даврида меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг турмуш даражаларини яхшилаш мақсадида битим имзоладилар.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти Фармонига биноан:

Қаюм **ХОЛМИРЗАЕВ** Андижон вилояти ҳокими;

Ғулом **ФОЗИЛОВ** Фарғона вилояти ҳокими этиб тайинландилар.

● **ТОШКЕНТДА** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ва тадбиркор аёллар уюшмасининг ташаббуси билан ўтказилган Ўрта Осиё ва Қозоғистон тадбиркор аёлларининг учрашуви бўлиб ўтди (учрашув ҳақидаги батафсил ҳисоботни газетанинг навбатдаги сонида ўқийсиз).

● **ОЛМАОТА** шаҳрида халқаро телефон алоқаси станцияси ишга туширилди.

● **СВЕРДЛОВСК** вилояти Первоуральск шаҳрида 1982 йилда («турғунлик» йиллари) турмуш қурган Б фамилияли эр-хотин сўнгги икки йил давомида ўзаро «кураш»лардан сўнг ҳозир сиёсий қарашлари тўғри келмаганлиги сабабли судга ажралиш ҳақида ариза беришди.

● **АРГЕНТИНАЛИК** машҳур футболчи Диего Марадона мамлакат телекўрсатувида бундан буён футбол ўйинларини шарҳлайдиган бўлади. Хабарингиз бўлса у бир пайтлар наркотик моддалар туфайли чиққан можародан сўнг футбол билан шуғулланмай қўйганди.

● **ШУ** йил 17 мартдан бошлаб АҚШнинг йирик авиакомпанияларидан бири — «Транс Уорл Эйрлайнз» Москва билан мунтазам ҳаво алоқаларини ўрнатмоқчи.

Адҳамбек Иброҳимович ФОЗИЛБЕКОВ. 1940 йилда Тошкентда туғилган. Ўзбек. Халқ демократик партияси аъзоси. Тошкент политехника институтини битирган. Техника фанлари номзоди. Давлат нишонлари билан мукофотланган. Республика халқ депутати.

ИМЗОЛАШДАН—

Тошкент шаҳар ҳокимияти билан касаба уюшмалари Тошкент шаҳар кенгаши бугунги бозор иқтисодиёти шароитида биргаликда меҳнаткашлар ва аҳолини социал ҳимоялаш ниятида 1992 йилга мўлжалланган ўзаро ҳамкорлик қилиш Битимига имзо чекишди.

Т. М. Бугунги ниҳоятда оғир иқтисодий шароитда, тўғрироғи, бозор муносабатларига ўтиш даврида меҳнаткашларнинг социал-иқтисодий манфаатларини ва қонуний ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида биргаликда ҳаракат қилишнинг заруратидан келиб чиқиб, ушбу Битимни имзолаганингиз кенг халқ оммасининг наинки бугунги, ҳатто эртанги куни ҳақида ҳам ўйлаб қилинган иш деб ҳисоблашга асос борми? Шу боисдан иккингизга ҳам бир савол билан мурожаат қилишга изожат берсангиз.

Адҳамбек Иброҳимович, ўзаро ҳамкорлик ҳақидаги Битимнинг қайси асосий йўналишларини кўрсатиб ўтишни истар эдингиз?

А. Ф. Битта савол деб, тўғриси, иккита савол бердингиз. Битимни имзолаганимиз кенг халқ оммасининг наинки бугунги, ҳатто эртанги кунги тақдирини ҳам ўйлаб қилинган иш деб ҳисоблашга асос борми деган биринчи саволингизга ҳа, бор деб айтишни истардим. Энди ҳамкорликнинг қайси асосий йўналишларини кўрсатиб ўтишимни сўраяпсиз. Агар ростини айтсам ҳамкорликнинг асосий йўналишларидаги барча бандлари менга манзур бўлгани учун унга ўз имзоимни қўйдим. Лекин саволингизга жавоб қиладиган бўлсам, унда энг муҳими менинг фикримча қуйидагилар бўлса керак:

Биринчидан, давлат мулкини хусусийлаштириш, иккинчидан, аҳолини иш билан таъминлаш, учинчидан, вақтинча ишламаётганларга социал мадад кўрсатиш, тўртинчидан, ходимларнинг кам ҳақ оладиган тоифаларини социал ҳимоялаш масалаларидир.

Т. М. Раҳмат. Энди шу саволимга, тўғрироғи саволларимга сиз, Мирзамавлон Мирзааҳмедович, нима дейсиз?

М. М. Адҳамбек ака деярли ҳаммасини айтиб ўтдилар. Касаба уюшмалари Тошкент шаҳар ҳокимияти билан биргаликда, ҳамжиҳат ҳаракат қилишдан манфаатдордир. Касаба уюшмалари аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш, уларга тиббий, савдо, маданий-маиший ва транспорт хизматлари кўрсатишни яхшилаш, меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнатни ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, пенсионерлар, меҳнат фахрийларининг, ёшлар ва талабаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш каби вазифаларни бажаришни ўзининг муқаддас бурчи деб билади. Аммо улар шаҳар ҳокимияти ёрдамисиз, биргаликда қилинадиган ҳаракатсиз амалга ошмай қолиши мумкин.

Т. М. Ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиш кенг омма эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга хизмат қилади деб айтсак ўринли бўларкан-да. Ҳар бир янги фикр, мақбул нуқтаи назар биргаликда муҳокама этилаётганда, қонун, норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилаётганда ўзаро ҳамкорлик ўз ижобий ролини ўйнаса ажаб эмас. Аммо ҳар қандай ҳужжатни, у Шартнома ёки Битим бўлмасин, барибир ривожлантириш механизмини ишлаб чиқиш керак.

А. Ф. Бўлмасачи, ривожлантириш механизмисиз Битимни имзолаш қуруқ гап бўлиб қолади. Мен Тошкент шаҳар ҳокимияти ўз зиммасига олган мажбуриятларининг баъзилари ҳақида гапирсам. Мирзамавлон эса касаба уюшмалари шаҳар кенгашининг мажбуриятлари ҳақида тўхталса.

Тошкент шаҳар ҳокимияти билан касаба уюшмалари Тошкент шаҳар кенгаши бозор иқтисодиёти шароитида 1992 йилда меҳнаткашлар ва аҳолини социал ҳимоялаш масалалари юзасидан ўзаро ҳамкорлик қилиши тўғрисида

БИТИМ

Тошкент шаҳар ҳокимияти ва касаба уюшмалари Тошкент шаҳар кенгаши бозор муносабатларига ўтиш даврида меҳнаткашларнинг социал-иқтисодий манфаатларини ва қонуний ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида биргаликда ҳаракат қилиш заруратидан келиб чиқиб, ушбу битимни тузди.

I. ҲАМКОРЛИКНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

1. 1. Томонлар қуйидаги масалаларда ҳамжиҳат ҳаракат қиладилар:

— давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, меҳнаткашлар ва аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашини, умумий овқатланишини яхшилаш;

— ноишлаб чиқариш соҳасини ривожлантириш, аҳолига тиббий, савдо, маданий-маиший ва транспорт хизматлари кўрсатиш даражасини ошириш;

— аҳолини иш билан таъминлаш, ходимларга касб ўргатиш ва қайта тайёрлаш, меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш, чет элга ишчи кучи жўнатиш;

— иш ҳақи тўлаш ва солиқ солиш;

— меҳнатни ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

— вақтинча ишламаётган (ишсиз)ларга социал мадад;

— пенсионерлар ва меҳнат фахрийларининг, ёшлар ва талабаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш;

— меҳнаткашларни соғломлаштириш, санаторий-курорт шифохоналарини, болалар ва ўсмирлар соғломлаштириш масканларини ривожлантириш.

1. 2. Нарх-наво оширилиши муносабати билан томонлар кам таъминланган оилаларни, ходимларнинг кам ҳақ оладиган тоифаларини социал ҳимоялаш тадбирларини амалга оширадилар, хайрия ва тинчлик ўрнатишга қаратилган фаолиятда иштирок этадилар.

1.3. Томонлар иқтисодий, социал, ҳуқуқий масалалар юзасидан ўзаро мақбул нуқтаи назарларни ишлаб чиқадилар, қонун чиқаришга доир ва норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилаётганда шу масалалар юзасидан ўз таклифларини киритадилар.

II. БИТИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВОСИТАЛАРИ

2.1. Маблағ ажратиш:

— маданий-тарбиявий, оммавий жисмоний тарбия-соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари эҳтиёжлари учун — 6 миллион сўм;

Тошкент шаҳар ҳокимияти,
Касаба уюшмалари шаҳар кенгаши

бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари учун маданий ашёлар, спор анжомлари, ускуналар, китоблар сотиб олишга — 1 миллион сўм;

Тошкент шаҳар ҳокимияти,
Касаба уюшмалари шаҳар кенгаши

— касаба уюшмаси аъзоларига моддий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш учун— 3 миллион сўм;

Касаба уюшмалари шаҳар кенгаши

—вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик юзасидан нафақалар тўлаш учун — 74 миллион сўм;

Касаба уюшмалари шаҳар кенгаши

— меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандлари, талабалар, пенсионерлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, имтиёзлари уларга тенглаштирилган кишилар санаторий ва курортларда даволанишларини ташкил қилиш учун — 12 миллион сўм;

Касаба уюшмалари шаҳар кенгаши

— пархез овқатланиш учун — 18 миллион сўм;

Касаба уюшмалари шаҳар кенгаши

— шифохоналар, санаторий-профилакторийларда оилавий дам олиш, ота-оналар болалари билан бирга даволаниши учун 5500 мингта йўлланма ажратилади;

Тошкент шаҳар ҳокимияти
Касаба уюшмалари шаҳар кенгаши

— ёлғиз пенсионерлар ва ногиронлар бепул овқатланишини ташкил қилиш учун шаҳар меҳр-мурувват жамғармасига касаба уюшмалари шаҳар кенгаши фондидан 30 минг сўм, Тошкент шаҳар ҳокимияти фондидан 50 минг сўм ажратилади;

— касаба уюшмалари шаҳар кенгашининг ва Тошкент шаҳар ҳокимиятининг 1992 йил бюджетида тинчлик ўрнатиш ва хайрия фаолиятини амалга ошириш учун маблағ кўзда тутилсин;

— болалар касалхоналари ва поликлиникалари ҳузурида бир вақтнинг ўзида оналар ва даволанадиган кундузги стационарлар очилади:

Тошкент шаҳар ҳокимияти,
Касаба уюшмалари шаҳар кенгаши

— мактаб таътили кунларида 81 минг

ИЖРОГА

Меҳнаткашларни ҳимоя қилишнинг энг ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммолари хусусида Битимлар тузиш масаласи Ўзбекистон касаба уюшмаларининг XIV қурултойи иккинчи босқичида тасдиқланган Низомда қайд қилинган.

Шу муносабат билан «Ишонч» газетасининг махсус мухбири **ТЎЛҚИН МУҲИДДИН** *Тошкент шаҳар Ҳокими* **АДҲАМБЕК ИБРОҲИМОВИЧ ФОЗИЛБЕКОВ** *ҳамда касаба уюшмалари Тошкент шаҳар кенгашининг раиси* ***МИРЗАМАВЛОН МИРЗААҲМЕДОВИЧ МИРПЎЛАТОВ*** *ўртоқлар билан мусоҳаба ўтказди.*

Мирзамавлон Мирзаахмедович МИРПЎЛАТОВ. 1952 йилда Бокуда туғилган. Ўзбек. Тошкент политехника институтини битирган, инженер-механик.

бола ва ўсмир дам олиши, болалар мактабдан ташқари муассасалари ишлаши ташкил этилади.

Тошкент шаҳар ҳокимияти, Касаба уюшмалари кенгаши.

2.2. Бозор инфраструктураси шакллантирилиши, давлат мулки хусусийлаштирилиши, кўп укладли иқтисодиёт вужудга келтирилиши шароитида:

— Республикада амал қилаётган Қонунларга, норматив ҳужжатларга ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларига риоя этилишини назорат қилиш таъминланади.

Тошкент шаҳар ҳокимияти. Касаба уюшмалари шаҳар кенгаши.

2.3. Зарар кўриб ишлаётган ва ўз харажатларини ўзи кўтаролмаётган корхоналар тугатилаётганлиги, соҳаси ўзгартирилаётгани, бир қанча корхона ва ташкилотлар синиши ҳамда ишсизлар кўпайиши эҳтимоли борлиги муносабати билан:

— ишсизларни социал жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун иш билан таъминлашда ёрдам Жамғармасига маблағ тушиши доимий назорат қилиб турилади;

— меҳнат биржаси оёққа туришида, у ўз вазифаларини бажаришида кўмаклашилади;

— халқ хўжалиги тармоқларидан бўшаётган ишчи ва хизматчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, касбини ўзгартириш марказлари тармоғини ривожлантиришда ҳамда уларнинг моддий базасини мустаҳкамлашда ёрдам берилади.

Тошкент шаҳар ҳакимияти, Касаба уюшмалари шаҳар кенгаши.

2.4. Ноишлаб чиқариш соҳаси ходимларининг иш ҳақини, пенсияларни, стипендияларни ошириш, нархларга эрк бериш тадбирлари, бир гуруҳ молларни купонга сотишни ташкил қилиш тўғрисидаги Президент Фармонларини ҳамда Республика ҳукумати қарорларини бажариш мақсадида:

— шаҳар корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларида иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, компенсациялар ўз вақтида тўланишига, купонлар кечиктирмай берилишига эришиш учун ҳаракат қилинсин;

— тармоқлар касаба уюшмалари шаҳар қўмиталари, корхоналар ва ташкилотларнинг касаба уюшма қўмиталари билан биргаликда жамоаларнинг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда хизмат соҳасини кенгайтириш борасидаги саъй-ҳаракатларини рағбатлантириш тадбирлари кўрилади;

— савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат корхоналарининг, айниқса молларни белгиланган миқдорда сотиш борасидаги иши доимий назорат қилинади, суиистеъмоллар йўлига қатъий ғов қолинади;

Тошкент шаҳар ҳокимияти, Касаба уюшмалари шаҳар кенгаши.

2.5. 1992 йил учун мўлжалланган капитал қурилиш дастурида асосий эътибор уй-жой, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, маданият иншоотлари қурилишига қаратилади. Якка тартибда уй қуриш ва боғдорчилик участкаларини ривожлантириш учун банкдан бериладиган қарзлар кўпайтирилади.

Тошкент шаҳар ҳокимияти.

2.6. Дори-дармонлар сотиб олиш, касалхоналар, поликлиникаларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш, социал-маданий муассасалар эҳтиёжлари учун маҳаллий бюджетдан ва бошқа манбалардан ажратиладиган маблағлар кўпайтирилади.

Тошкент шаҳар ҳокимияти.

2.7. Меҳнатни ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида:

— меҳнатни муҳофаза қилишнинг аҳволи, корхоналар, ташкилотлар, хўжаликлар раҳбарларининг ишлаб чиқаришда соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш фаолияти назорат қилиб турилади;

— меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига хилоф иш қилинаётган ва ишловчилар хавфсизлиги таъминланмаган корхоналар ва уларнинг таркибий бўлинмалари ишини тўхтатиб туриш тўғрисида қарорлар қабул қилинади;

— хотин-қизлар оғир жисмоний меҳнатдан озод этилишига эришилади.

Тошкент шаҳар ҳокимияти, Касаба уюшмалари шаҳар кенгаши.

III. ҚУЙИДАГИ ҚОНУНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИНИ ТЕЗЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ТАКЛИФ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИГА ВА ҲУКУМАТИГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

— аҳоли даромадларини индексациялаш тўғрисида;

— касаба уюшмалари тўғрисида;

— тежаб қолинган маблағдан социал дастурларни амалга оширишда фойдаланиш мақсадида санаторий-курорт муассасаларини, сайр-саёҳат ташкилотларини, дам олиш, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларини, маданий-оқартув, мактабдан ташқари ва касаба уюшмаларига қарашли бошқа ташкилотларни даромад солиғи тўлашдан озод қилиш тўғрисида;

— Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида;

— жамоа шартномалари ва битимлари тўғрисида.

Томонлар мазкур Битим қоидалари бажарилиши учун масъулдирлар.

Битим томонлар келишувига биноан тўлдирилиши ёки ўзгартирилиши, шунингдек қоидалари бузилган ёхуд бажарилмаган тақдирда бекор қилиниши мумкин.

Касаба уюшмалари шаҳар кенгашининг раиси М. МИРПЎЛАТОВ.

Тошкент шаҳар Ҳокими А. ФОЗИЛБЕКОВ.

Т. М. Маъқул. Шунда ривожлантириш механизми бир бутун ҳолда ўз ифодасини топади.

А. Ф. Ҳа, тўғри айтдингиз. Бу Битимнинг иккинчи бўлимидаги асосий масала маблағ сарфи билан боғлиқ масалалар. Бу борада ҳокимият ҳам, касаба уюшмалари ҳам хасислик қилишмайди десам муболаға бўлмайди.

М. М. Бу бобдаги муаммоларни ҳал этиш учун, табиийки, маблағ керак бўлади. Шу боисдан касаба уюшмалари шаҳар кенгаши жаъми бўлиб 100 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфлашни кўзлаган. Битим тўлалигича газета саҳифасида берилаётгани учун бу борадаги ишларни тўлиқ санамасам.

Т. М. Ихтиёрингиз. Лекин Битимнинг шу бобида аниқ бандлар билан бир қаторда, назорат қилиш таъминланади, кўмақлашилади, ёрдам берилади, ҳаракат қилинади каби умумий гапдан иборат бўлган бандлар ҳам бор экан. Бунга нима дердингиз?

М. М. Интилганга толе ёр. Яхши ишни бошладик, камчилиги бўлса нима ҳам дердим. Тузатамиз.

А. Ф. Эътибор қилган бўлсангиз, Тўлқин Муҳиддинович, Битимнинг охирги хат бошисида Битим томонлар келишувига биноан, тўлдирилиши ёки ўзгартирилиши, шунингдек, қоидалар бузилган ёхуд бажарилмаган тақдирда бекор қилиниши мумкин. дейилган.

Т. М. Бу бандга амал қиласизлар, демак.

А. Ф. Албатта.

Т. М. Адҳамбек Иброҳимович, падарингиз Иброҳимбек отанинг 100 ёшга киришларини, (ота 86 ёшдалар), умр ўртоғингиз Маъсудахон билан бирга (улар врач) фарзандларингиз Беҳзод, Нигора ва Нилуфарлар ақлли, билимли, бахтли бўлиб улғайишларини истайсиз. Опаларингиз ва ука-сингилларингиз (барчаси оилали, бола-чақали) соғ-саломат юришларини ва бахтли ҳаёт кечиришларига тилакдошсиз. Шаҳардаги яна 2 миллион аҳолига қандай ниятлар билдиришни хоҳлардингиз?

А. Ф. Оиламга, қариндош-уруғ, дўсту-биродарларимга нимани ният қилсам, шаҳрим аҳолисига ҳам худди шуларни бекамн кўст тилайман. Аҳоли бахтли бўлган тақдирда ҳоким ҳам бахтли бўлади. Ҳоким бахтли бўлса, демак, унинг оиласи бахтли бўлади. Мен бу масалани худди шундай тушунаман.

М. М. Адҳамбек ака, фикрингизга мен ҳам тўла қўшиламан. Оила бошлиғининг бахти — оиланинг бахти. Зотан, оила бахтли бўлмаса, оила бошлиғи қандай қилиб бахтли бўлаолади. Ҳоким сифатида Тошкент шаҳри аҳолисининг бахти учун ҳаракат бошлабсизми, демак, биз энг кўп сонли меҳнат аҳлини бирлаштирган жамоат ташкилоти сифатида сизга ёрдам бериб, биргалашиб ҳаракат қилишга аҳд қилдик. Бошқа ўртоқлар, идораю корхоналар ҳам бу ишда жипслашишлари зарур, деб ҳисоблайман. Халқимизнинг бирлашган ўзар, деган наклини ҳеч қачон унутмайлик.

Т. М. Тўғри. Нияти яхши бўлганлар муродига етади. Биз ҳам шаҳримиз аҳолисига бахт-иқбол, осойишталик ва хотиржамлик тилаймиз.

Ҳуқуқий сабоқлар

НОГИРОНЛАР КЎНГЛИ ЎКСИМАЙДИ

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг саккизинчи сессиясида «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинган эди. Қонун 7 бўлим ва 40 моддадан иборат. Биринчи бўлим «Умумий қоидалар» ни (1—7 моддалар) ўз ичига олади. Унда ногиронларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи қоидалар бор. Уларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш, ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари тушунчаларига таъриф берилган.

Қонунга кўра шахсни ногирон деб топиш тиббий-меҳнат эксперт комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда амалга оширилади. Ҳамма ногиронлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамлаб қўйилган барча ижтимоий-иқтисодий ҳамда шахсий ҳуқуқ ва эркинликларга эгадирлар. Ногиронларни камситиш таъқиқланади ва қонунга мувофиқ жазоланади. Ушбу қонуннинг 4-моддасида кўрсатиб ўтилганидек, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш давлат томонидан суд йўли билан ёки қонунда белгиланган бошқа тартибда таъминланади.

Ногиронларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузишда айбдор бўлган мансабдор шахслар ва бошқа фуқаролар қонунда белгиланган моддий, интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Иккинчи бўлим «Ногиронларнинг ижтимоий инфраструктурадан тўсқинликсиз фойдаланиши учун шарт-шароит яратиш» (8—15-моддалар) соҳасидаги вазифаларни ўз ичига олади.

Бу бўлимда эътибор ногиронларнинг ижтимоий инфраструктура объектларига бемалол кириб чиқиш шароитларини яратиш муаммоларини ҳал этишга қаратилган. Шу билан бирга ногирон кишининг кундалик ҳаётда дуч келадиган қийинчиликларига барҳам беришга мўлжалланган нормалар ҳам ўз ифодасини топган.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, корхоналар, бирлашмалар, муассасалар ва ташкилотлар ногиронлар учун ижтимоий-маданий объектлар ҳамда спорт иншоотлари қуришни пул билан таъминлашга, жиҳозлар сотиб олишга ва уларни таъмирлаш учун маблағ ажратишга ҳақлидир ва бу мақсадларга ажратилган маблағлардан солиқ олинмайди.

Учинчи бўлим «Ногиронларни тиббий, касб ва ижтимоий жиҳатдан тиклаш вазифалари» (16—18-моддалар)га бағишланган. Унда тиббий, касб ва ижтимоий жиҳатдан тиклаш вазифалари, тиклашнинг якка тартибдаги дастури ҳамда уни амалга оширувчи муассасалар белгилаб берилган.

«Ногиронларнинг илм олиши ва касб тайёргарлиги қонуннинг тўртинчи бўлимида ўз аксини топган. Давлат уларнинг илм олиши ва касб тайёргарлиги учун зарур шарт-шароит яратишга кафолат беради.

Бу қонунга биноан халқ таълими идоралари соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот идоралари билан биргаликда ногирон болаларни мактабгача ва мактабдан ташқари тарбиялашга, уларнинг касб тайёргарлигини оширишга, якка тартибдаги режага мувофиқ умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим олишини таъминлашга мажбурдирлар.

Ногирон болаларни ҳар томонлама уйғун ривожлантириш, уларда ижтимоий фаолликни, меҳнатга қизиқишни тарбиялаш, фан, техника, санъат ва спортга жалб этиш мақсадида халқ таълими ва бошқа давлат идоралари мактабдан ташқари тарбиядан баҳраманд бўлишларини таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиб берадилар. Бўлимда яна бундай болаларга уйда ва доимий муассасаларда тарбия ва таълим бериш шакллари кўрсатиб ўтилган.

Қонуннинг бешинчи бўлими «Ногиронлар меҳнати» (28—31-моддаларни)ни ўз ичига олади. Бу бўлимда меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ енгилликлар ва имтиёзлар баён этилган. Қонуннинг 28-моддасида кўрсатиб ўтилганидек, ногирон билан меҳнат шартномаси тузишдан ёки уни юқори хизмат лавозимига кўтаришдан бош тортишга, маъмурият ташаббуси билан ишдан бўшатишга, ўз розилигисиз бошқа ишга зўрлаб ўтказишга йўл қўйилмайди. Тиббий ижтимоий экспертизанинг хулосасига кўра, уларнинг саломатлиги бу касб вазифаларини бажаришга монеълик қилган ҳоллар бундан мустаснодир.

Ногиронларни иш билан таъминлаш мақсадида давлат идоралари касаба уюшмалари ва жамоат бирлашмалари иштирокида корхоналар, бирлашмалар, муассасалар ва ташкилотларда ишловчилар сонининг камида 3 фоизи миқдорида иш жойларини банд қилиб қўйиш нормаларини белгилайди.

Меҳнат шароити, шу жумладан меҳнатга ҳақ тўлаш, иш вақти тартиби ва дам олиши вақти, жамоа ёки якка тартибдаги меҳнат шартномасида белгилаб қўйиладиган йиллик ва қўшимча отпускаларнинг муддати амалдаги нормативҳужжатларда кўзда тутилганидан кам бўлмаслиги ва бошқа ходимларга нисбатан ҳуқуқларини чекламаслиги керак. Ушбу қонуннинг олтинчи бўлими «Ногиронларга ижтимоий ёрдам» (32—38-моддалар) ва сўнгги еттинчи бўлими «Ногиронларнинг жамоат бирлашмалари» (39— 40-моддалар) ҳақида баён қилиб ўтилган.

Бу бўлимларда ижтимоий ёрдам турлари, ногиронга техника воситаси бериш, уйига бориб хизмат кўрсатиш, уларга ижтимоий ёрдам берадиган доимий ишловчи муассасалар, интернат уйлар ва бошқа доимий ишлайдиган ижтимоий ёрдам муассасаларидаги ҳуқуқлари, уларга ижтимоий ёрдам берувчи давлат идоралари ва жамоат бирлашмаларига бериладиган имтиёзлар ва енгилликлар батафсил кўрсатиб ўтилган.

Ногиронларга ижтимоий ёрдам республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар, пенсия жамғармаси, ижтимоий ҳимоя қилиш жамғармалари маблағлари ҳисобидан, шунингдек корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобидан берилади.

Қонун ногиронларга берилган ҳуқуқ ва эркинликларни рўёбга чиқариш имкониятларини таъминлайди, уларнинг ҳаёти ва фаолиятидаги чеклашларни бартараф этишга, тўлақонли ҳаёт кечиришларига, жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида фаол қатнашишларига, шунингдек ўзларининг фуқаролик бурчларини бажаришларига имкон берадиган шарт-шароитлар яратади. Бозор иқтисодиёти шароитида уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, ночор ва муҳтож кишиларга меҳр-мурувватли бўлиш, ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

А. АЛИМУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши қонун лойиҳаларини таклиф этиш ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлими мудири.

ХУШЁРЛИКНИ ЙЎҚОТМАЙЛИК

Йигирма олти йил давомида суд мажлиси котибасидан бошлаб, Ўзбекистон Олий судининг раис муовини вазифаларигача ишлаб келдим. Олий судда ишлаган йилларим «Пахта иши» деб аталган вақтга тўғри келди. Қўли қадоқ, чориғи ямоқ жуда кўп одамларимиз ўзлари сезиб-сезмай, тушуниб-тушунмай хатоликларга йўл қўйдилар.

Давлатнинг жуда катта-катта маблағлари талон-тарож бўлгани рост, лекин шуни айтиш керак-ки, ўша талон-тарожликка имзо чекканлар орасида ҳатто бирор сўм шахсий манфаат кўрмаганлар бор. «Қаттанинг буйруғи» деган чирик фикр исканжасида жиноятчига айланиб қолганлар улар.

Фарғона водийси бўйича юздан ортиқ одам шу важдан айбдор деб топилган. Мен айниқса, Марҳамат районидаги «Пахтакор», Олтинкўл районидаги «Коммуна», Хўжаобод районидаги «Россия» давлат ва жамоа хўжаликлари бошлиқлари устидан иш қўзғатилганда жуда изтиробга тушганман. Сабаби уларнинг жалали баҳорлар, изғиринли кузларда кирза этик кийиб, бехаловат юрганларини кўп кўрганман. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг оқилона ташаббуси билан «пахта иши» бўйича ҳибсга олинганларнинг жуда кўпи авф қилинди, оқланди. Бу ўриндаги оқлашнинг асосий моҳияти буйруққа, тазйиққа, «урра-урра»га бўйсуниш, қилаётган ишининг халққа қандай зарару эртага бунинг қандай жавобгарлиги борлигини тушунмай, англамай жиноятларга шерик бўлиб қолиш рўй бергани учун, деб тушунсак тўғри бўлади.

Мен барибир ҳамма жиноятларни имон сустлигидан, ҳуқуқий саводсизлик оқибати деб биламан. Яқинда Избоскандаги бир ишни кўриб чиқдик. Айбдорларни эласам ачиниб кетаман.

Беш фарзандли бир одам ўз жўрасига оиласидан нолийди. Жўраси эса чапанича қилиб, «хотинингни қўйиб юбор, қўшнимизнинг узатган қизи бор, ҳозир оиласи нотинч бўлиб келиб ўтирибди, шуни олиб бераман» дейди. Ўзларича қўл ташлашади (осонлигини қаранг). Лекин қўшнининг қизи оилам билан ажрашганим йўқ, деб кўнмайди. Шунда чапани жўра «агар бошқага тегадиган бўлсанг билиб қўй, хамманг-ни чопиб ташлайман» дейди.

Ҳақиқатан ҳам кўшни қизнинг оиласи бузилиб, бошқа бир одамга унаштирилади. Шунда сўзининг устидан чиқиш учун ҳалиги жўра тунда ҳужумга киришади. Қизнинг жекса отаси ўзини ҳимоя қилиш учун маккапояга қочади. Уйдаги ўн тўрт ёшли қиз қўрқиб қўшниларни ёрдамга чақиради. Шунда «куёв» бўлмишнинг укаси билан чапани жўра қизчани тутиб, чопиб ташлашади.

Бир норасида, ҳурдек қиз нобуд бўлади. У дунёга келиб нима кўрувди, нима гуноҳ қилувди ахир? Ўкинтирадигани жойи шундаки, иккала қотил ҳам шу кунгача рисоладагидек яшаб меҳнат қилган одамлар, юртдошларимиз эди. Бир лаҳзалик катта кетишлик улар бўйнига тавқи лаънат тошини осди. Бўлган воқеа мени жуда ҳам эзиб юборди. Шунда дастлаб суд идорасига ишга келган дастлабки йилларимни эсладим.

Тақдир мени ҳуқуқшунослар дунёсига ажойиб бир устоз билан олиб кирди. Бу — Турсуной Довулова. У билан ўрта мактабда бўлган учрашувдан кейин судья бўлиш орзуси юрагимга тушган. Бу муқаддас идорага ҳам мени — ўн етти ёшли маълумоти йўқ қизни ўша аёл олиб келган. У ҳар бир ишда адолатни синдирмасликка ҳаракат қиларди. Лекин қонун-қонун-да. Баъзан кўз ёшларга қулоқ солишнинг иложи бўлмайди. Ўшанда адашмасам, Авазбек Саидов деган йигитнинг суди эди. Отаси ташлаб кетган, онаси ночорликдан чайқовчилик билан шуғулланиб, болалари қаровсиз қолган оиланинг тўнғичи эди у. У жиноятчи ўғрилар гуруҳига тасодифан қўшилиб қолган, ўғриликка кирган уй эгаси қаршилик қилганда уни ўлдирган бу гуруҳ. 14 ёшли Авазни ҳам суд залидан ҳибсга олишганда эзилиб йиғлаганман. Авазнинг «мени кечиринглар, ёшлик қилдим», деб йиғлашлари ҳали ҳануз кўз олдимдан кетмайди. Ўша лаҳза мен бош судья бўлиб қолишимни, Авазнинг кечиримини қабул қилиб уни ҳибсдан озод қилишни жуда-жуда истаганман. Лекин мен ўшанда оддийгина котиба эдим, холос. Авазбек беш йилга кесилиб кетди.

Мана шунга ўхшаш воқеалардан кўпинча изтиробли ҳолатга тушаман. Балки бу оналигим, аёллигим учундир.

Бир пайт пойтуғлик эр-хотиннинг судига раис бўлганман. Савдо ходими бўлган бу одамлар жуда катта камомадга йўл қўйган, халқнинг анча-мунча ҳақига хиёнат қилишган эди. Аёлни узоқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилганимда ҳам ўта қийналганман. Лекин фактлар ўжар, энг муҳими, айбдорларнинг ўзи ҳам тасдиқлаб турган бу ишни қонундан чиқиб ҳал қилиб бўлмайди. Яхшиям ўшанда 1975 — йил — Халқаро аёллар йили деб эълон қилиниб, судланган Манзурахонга афу эълон қилинди. Шунда қувонганимдан кўзимда ёш қалқиганди. Аёл ҳам менинг ҳолатларимни сезган эканми, озодликка чиққан куниёқ келди, анча суҳбатлашдик. Қози ва маҳбус бўлиб эмас, икки она бўлиб суҳбатлашдик. Янги ишга жойлашиши учун кўмаклашдим.

Одамларни ҳуқуқий тарбиялаш, шира босган кўзларини очиш учун очиқ судларни кўпроқ ўтказиш даркор. Ҳуқуқшунослар, қонуншунослар билан самимий учрашувлар уюштириш керак. Бундан ташқари ҳуқуқ идораларига ҳурматни шакллантириш зарур. Олий судда ишлаганимда Америка, Шри-Ланка, Ҳиндистон каби мамлакатлардаги ҳамкасбларимиз билан борди-келдилар уюштиргандик. Бир ўкинчимни айтай, биздаги ҳолат уларда бутунлай бошқача. Ишлаш шароитлари ҳам, яшаш шароитлари ҳам, ижтимоий таъминоти ҳам анча олдинда. Идораларимизнинг жойлашиши ҳам кўнгилдагидек эмас. Андижон вилояти бўйича бирорта махсус бинода идорамиз йўқ. Маошларимиз ҳам мактанарли эмас. Айрим ҳамкасбларимизнинг эътиқодларига путур етиши, имон сусайиши шундан эмасмикин, деб ўйлайман.

Одинахон ҲАЙДАРОВА,
Андижон шаҳар суди раиси.

Умри азиз

ОНАЛАРНИ қуёшга, гулга, буюк тоғларга ўхшатадилар. Йўқ, улар жуда оддий бўладилар. Уларнинг меҳрини, қалбини, фарзандлари учун қилган хизматларини ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди. Улар ўғил-қизларининг етук бўйини, камолини, оила ва меҳнатдаги тўкис бахтини кўришса — бас, она учун бундан ортиқ туҳфа, бундан ортиқ тавсиф, бундан ортиқ шодлик бўлмас.

Оналар олдидаги бурчини, қарзини ўтамоқчи бўлган фарзанд аввало ўзини, ўзлигини тан олсин. Ўзининг инсоний бурчини, ҳа, инсоний бурчини ўрнига қўйиб адо этсин. Оналарнинг бундан бўлак орзуси йўқ.

«Эй, фарзанд, — дейилади Қобусномада, — одам мевага, ота-она дарахтга ўхшайди. Дарахтни яхши тарбия қилсанг, меваси яхши ва ширин бўлади, шунингдек ота-онага иззат ва ҳурматни кўпроқ қилсанг, сенинг ҳақингдаги уларнинг дуоси тезроқ мустажоб бўлади...»

Табиат келин мисол гўзал либос кия бошлаган, чечаклар, дарахтлар уйғона бошлаган, қушлар навоси янграётган шу дилбар, шу мунис фасл остонасида оналарга, барча аёлларга, ширин қизларга иззат-ҳурматимизни, олам-олам энг яхши тилакларимизни изҳор этамиз. Оналар яшаш учун, яратиш, фарзандини, Ватанини севиш учун яралган.

Сизларнинг борлигингизга минг шукр, демакким ҳаёт бор. Баҳорингиз, байрамингиз муборак, азиз, опа-сингиллар, дугоналар!

ДУНЁ ДАРДИГА ОШНОЛИГ

Онам ғазал ўқиганларида, ҳамиша юз -кўзларига тикилиб қараб ўтирар эдим. Буни онам ёқтирмасдилар. Кишининг юзига тик қарама дердилар. Мен эсам онамнинг юзидаги ажинлардан шундай бир сеҳр ўқирдимки, агар уларни таржима қилсам муродимга етадигандай эдим. Онамнинг бир умрлик ҳаётида пайдо бўлган чеҳра хатларини мукаммал ўқимоқ учун минг ҳаёт зарурлигини бугун яхши биламан...

Хоразм аёллари орасида биринчилардан бўлиб, фан номзоди унвонига мушарраф бўлган узоқ йиллар Хоразм Давлат педагогика илмгоҳида самарали меҳнат қилган ва бугун қарилик гаштини сураётган камтарин инсоннинг қалб сўзларини тинглар эканмиз, у ҳақда нега ёзмаймиз-а, деб ўйлайман. Ахир, бу умрнинг ҳар йили бир тарих-ку. Қанчадан-қанча шогирдлар. Устозлар билан боғлиқ ҳаёт лавҳалари...

Ҳа, Мунаввара Солаева воҳамизнинг ардоқли фарзандларидан бири. Ёшлигидан илмга ташна қиз 1941 йилда Урганч ўқитувчилар тайёрлаш институтига кириб, уни 1943 йилда тамомлади. Уруш йиллари мактабларда, билим юртларида ёшларга сабоқ берди.

1951 йилда илмий иш билан шуғуллана бошлади. Уйғун ижодига бағишланган тадқиқоти учун филология фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди. Хоразм Давлат педагогика институтида қарийб йигирма йил ўзбек адабиёти кафедрасига мудирлик қилди. Халқ маорифи аълочиси бўлди. Унинг юзлаб мақолалари вилоят ва республика матбуотида эълон қилинди. Айниқса, Алишер Навоий ва Огаҳий ижодига бағишланган тадқиқотлари диққатга моликдир. Мунаввара Солаева иқтидорли ўқитувчи, изланувчан олим ва ажойиб онадир. Унинг уч қизи — Роза, Рохат, Ойгуллар она изидан боряпти.

Қарийб қирқ йил, Хоразм олийгоҳида талабаларга илм ўргатиб, самарали ҳаёт кечирган камтарин инсон, Мунаввара Солаева билан умр ҳикматлари, ҳаёт сабоқлари, бугунги кун ташвишлари ҳақида суҳбатлашамиз.

— Бугун қарғишларга қолаётган йилларнинг алами учун ҳам фарёд чекиш мумкин. Лекин, инсоф, адолат, ҳаё, виждон, поклик ва меҳр-оқибат деган мулкимиз ҳар ҳолда покиза эди. Кишини очлик ва ночорлик нобуд қилмайди. Даврни ориятдан ўлдираётган тўдалар ўзларини бир тиниқ кўзгуда кўрсалар эди... тиллари тутилмасмиди...

Мунаввара опанинг маъно тўла кўзларига қараб ҳали ҳеч ким шу пайтгача илғай олмаган сирларни билгим келади. Момолар айтишича, юртимизда шундай илмлар ҳам бўлган экан, ҳозир эса қоғозда битилган ҳикматларни ёдимизда сақлаб қололмаймиз... Бу нуроний аёлнинг умри билан танишганимиз сари «ўзлик» деган оламнинг минг бир эшиклари кўрина бошлайди. Бу эшиклар биз учун умрбод беркми, ё киришга ўзимизда журъат йўқми?! Шу саволга ҳам жўяли жавоб беролмаймиз. Ана армон керак бўлса...

— Мунаввара опа, нега муаллимликни танладингиз?

— Онам ўқитувчи бўласан деб, мени бу касбга бутун қалби билан тайёрлаган. Ўйлаб қарасам, болалигим ажиб эртакларга ўхшаб кетади. Ишонаверинг, мени соғинадиган ёшлигим бор. Ҳозиргидай эсимда, хола-хола ўйнаб ўтирар эдик: Бир қизча ўжарлик билан ўйинимизни буза бошлади. Беихтиёр онамдан ўрганган ғазални ўқидим. Йиглаётган ўжар қиз тинди, у худди мўъжиза кўраётгандай ҳанграйиб қолди. Мен ғазални ўқиб бўлдим. Ўртага жимлик чўкди. Ўжар қиз худди капалак тутмоқчидай эҳтиёткорлик билан ёнимга келиб титроқ бармоқлари билан лабларимни пайпаслади. У кўз илгамайдиган бир сирли нарсани изларди. Шунча йил ўтиб кетибди, ҳозир ҳам шу қизчанинг титроқ бармоқларини сезиб тураман. Мен ана шунда тушундим, сўзнинг қувватини, қалб нидосининг мафтункор сеҳрини. Ҳозир, катта ўқишхоналарда ғазал ўқиганимда кўз олдимда ўжар қизча туради. Уни кўрсам, мен ғазал ўқиб хоримайман, у эса тинглаб. Шунинг учун бўлса керак, талабаларим сиз ғазал ўқиганда, бизлардан жуда узоқ-узоқларга кетиб қолгандай, кимнингдир интизор кўзларига боқиб, тургандай бўласиз, биз эса сиз интизор боққан кўзлар бўлишни шундай истаймиз-ки, гоҳи рашк қила бошлаймиз, дейишади. Менга бу сўзлар жуда ёқади. Ҳар қалай ғазаллар билан кимларнидир ҳақиқат кўзгуси олдига келтириш, замоннинг зайлини ўйлатиш, гўзалликка интилтириш мумкин экан-ку!

Жаҳоннинг катталиги ҳали ўлчанганича йўқ, ҳар ҳолда бир аскарнинг қалбидан кичик турур, деганда, шоир қанчалик ҳақ эканига шу мўътабар аёлнинг бир нафаслик лафзи далил эмасми? Балки, шунинг учун ҳам Мунаввара опа ўз умрини адабиётга бағишлагандир. Ҳар қалай, устоз ўгитларини жуда кеч эшитган бўлса ҳам, бу ҳақиқатни унинг мўрғак қалбига табиатнинг ўзи инъом этганига ишониш керак. Адабиётнинг адашишга, хато қилишга ҳаққи йўқ, зотан у ўз тажрибасини инсонлар қалбида ўтказади. Ана шу мулкка дахлдорлик, бутун ҳаётида шу мўъжизавий оламга ҳамроҳ бўлиб яшаш киши учун бахт эмасми?!

Ҳозир, ким ҳақ, ким ноҳақлигини билиб бўлмас кунларда олиманинг тадқиқот мавзусини эшитиб, бир зум ўйланиб қолсангиз, даврга бир боқинг. Ўша йилларда Уйғун лирикаси бор овозаси билан жаранглаб турарди. «Навоий» драмаси ҳозиргидай мана мен деган адабиётнинг намунаси эди. Тадқиқот ишлари енгил кўчмади. Москвада илмий синовдан ўтди. Бировлар тил билан айтмасалар ҳам кўз билан шундай имкониятлари бўлиб нега опа кейинчалик докторлик диссертациясини ёқламади, деган маънони билдириб қўядилар. Аслини олганда, бу ишни уддалаш қийин эмас, ҳамма шарт-шароитлар ҳам бор эди. Киши илм беришга кўникса, жовдираб турган кўзлар уни буткул ўз измига солади. Бугун Мунаввара опа, гоҳо хато қилдиммикан, деб ўйлаб қолади. Ана шунда, кўз олдига ундан таълим олган, ҳамфикр бўлган фан докторлари, фан номзодлари ёшларга илм бераётган минглаб муаллималар келади. Ана шунда, у бахт сўзининг таъмини сезгандай, умр деган ҳақиқатнинг турфа рангларини кўргандай шукроналар айтиб қўяди.

Зулфия Ёқубова
Урганч шаҳри.

ФАРЗАНДЛИК БУРЧИ

Шарофат ая саксон беш ёшдалар. Кунларнинг бирида, тўсатдан қаттиқ бетобланиб қолдилар. Тўнғич қизлари ўша куни келди-ю, ҳол-аҳвол сўраш ўрнига синглисини тергай кетди:

— Маҳбуба, ўлимликлари тайёрми, ҳамма нарсани олиб қўйганмисан? Билиб қўй, менда ҳеч нарса йўқ. Онамизнинг уй-жойи сенга қоляптими, ўлигини ҳам ўзинг кўмасан, — деса бўладими.

Маҳбуба анграйиб қолди. Кўзлари ёшга, юраги зардобга тўлди. Ичидан эзилиб, йиғлади. Ҳайрият, тиббий ёрдамдан сўнг онаси анча ўзига келиб кўзини очди. Маҳбуба акаси, опаси, укасидан тузукроқ чиқди. Онаси учун жон фидо қилишга тайёр у. Ахир фарзандлик бурчи ҳам худди шуни тақозо этади-да.

Шарофат аянинг кечалари баъзан уйқуси қочиб кетади. Ўғлининг меҳрсизлигидан, эл-юртдан ор қилмай синглисига ташлаб қўйганидан ўкинади. Кўзига тўтиё қилиб катта қилувди. Уйланиб, бола-чақали, обрўли бўлганида қувончлари дилига сиғмаганди. Энди ўзи ота бўлгач, ўз бурчини унутиб ўтирибди-я. Йил, ой ўтса ҳам онасини кўргиси келмаса. Бу қандай кўргилик. Яхшиям, шу қизи бор экан, кунига яраяпти. Бўлмаса ғарибхоналарда юрармиди.

Маҳбуба уй юмушларини қилиб, онасининг бошига боради. Оқ дастрўмолчаси билан унинг ёшларини артади, устини ёпади. Ором олсин, онажоним бирозгина, дейди-ю оёқ учида чиқиб кетади. Она ҳаммасини сезиб туради. Унсиз йиғлайди. Лекин қизига ўй-хаёлларини билинтирмайди.

Маҳбубани каттаю-кичик меҳмондўстлиги, меҳр-оқибати, одамийлиги, инсоф-диёнати учун ҳурмат қилади. Ёши улуғ кишилар «болаларининг орзусини кўрсин», деб дуо қилишади. Ҳа, унга ҳам осон эмас. Эри узоқ йиллардан буён бетоб. Бир ёқда онасига малҳам бўлса, бир ёқдан эрига дардкаш. Ҳамшираликдан хабари борлиги учун ҳам муолажа ишларини ўзи адо этади.

Маҳбуба ҳамма нарсага бардошли аёл. Кечагидек ёдида. Икки ёшли ўғли Икромжонни қўшниси машинасида уриб юборди. Тиллари бийрон, оёқлари остида пилдираб юрган болажонидан бир зумда айрилиб қолди. Аммо, Маҳбуба ичида ёниб, минг тўлғониб қайғурса ҳам тилига эрк бермади. Ахир қўшниси ҳам бола-чақали, оилали. Атайлаб қилмагандир. Тасодиф, қолаверса пешонага ёзилгани шу бўлса, қочиб қайларга боради. У даъвогар эмаслигини, айбдорни озод қилишларини сўради.

Шу воқеадан кейин у ишлолмай қолди. Аммо бекор ўтирмади. Қўлида гулдай ҳунари бор. Дўппи тайёрлайди. Уй юмушларидан, онаси, эридан ортиб ҳафтада ўн ва ундан ортиқ дўппи тайёрлайди. Ҳарна, ҳалол меҳнатнинг баракаси яхши бўлади. Юрагида дард, алами кўп бўлса ҳам эл-юрт хизматидан қолмайди. Енгини шимариб маҳалла-кўй хизматига шай. Бировларга ғамидан нолимайди, гина-адоватни билмайди. Йигирма уч йилдир-ки, рўзғорига ширинсўз, меҳрли. Фарзандларини ҳам ҳаётга, одамларга меҳр билан боқишга, шафқатли бўлишга ўргатмоқда. Қани энди, шу фазилатлар ҳаммага ҳам насиб этса...

Муқаррама ҒАНИЖОН қизи,
Андижон вилояти, Асака шаҳри

ТОҒОРАЛАР ОВОРА



Айланий, опа-сингилларим, дугоналарим, сизлар ҳақингиздаги саҳифага «Умри азиз» деб рукн қўйганимиз бежиз эмас. Сизнинг ўзингиз азиз, умрингиз азиз, одоб ўргатиб вояга етказаётган фарзандларингиз азиз. Чевар қўлларингиз, ақлу идрокингиз, яратаётган меҳнатларингиз меваси азиз. Лекин баъзида шу ортиқча сарфу харажатларни кўпайтириб юборасизлар-да.

Мана ҳадемай рамазон хайити келади. Хайитга етказганига минг шукр, деб ёши улуғ қадрдонларимизни, ота-онаю бува-бувиларимизни бориб кўрамиз. Етимесиру бечорахолнинг аҳволидан хабар оламиз. Раҳматли бўлиб кетганларнинг оиласига бориб, уларнинг хотирасини ёдга оламиз. Қолганларга сабр-бардош тилаймиз. Қабристонларни зиёрат қиламиз.

Аммо лекин, бизнинг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида бўладиган келинларнинг хайит маросими кишини ўйлатиб қўяди. Ҳа, бошқа ҳеч қайси вилоятда келинлар хайити йўқ. Фақат тошкентликлар ўйлаб топишган буни. Келинларнинг хайит қилганияи майли-ю қиз узатган она бечора хайит яқинлашган сари ётиб уйқуси келмайди. Қизига, куёвига яна бир сидра сарупо, тоғора-тоғора пиширикдар, ширинликлар, ош, ўттиз-қирқта патир жўнатиши керак. Келин эса хонани тўлдириб дастурхон тузайди ва уч кунгача ишга ё ўқишга бормай бурчакда туриб, келди-кетдига таъзим қилади.

Ўзингиз ўйланг, ҳозирги қимматчилик, танқислик даврида тоғора-тоғора пиширик жўнатишнинг, сарупо топишнинг ўзи бўладими? Дейлик, бу матоҳларни кимлардир топадилар ҳам. Имконияти баланд, қўли узун одамлар кўп-ку ҳаётда. Лекин қўл учида кун кўрадиган, бола-чақаси кўп, кундалик еб-ичишдан қисиб ноилож лозиманда қиладиган ота-оналарга нега ачинмаймиз?

— Хайит келаяпти, қизимникига йигирмата тоғорада пиширик юборишим керак, — дейди қўшни аёл. — «Онангга айт, хайитликни дуруст-рок жўнатсин, хасислик қилмай, қўни-қўшнининг кўзи тушади» деб тайинлаптилар кудам. Энди қарз олиб бўлса ҳам...

Ана кўрдингизми, аёллар бир-бирини тушунмаса — ким тушунади. Қўни-қўшнига кўз-кўз қиламан, деб ўз кудасини қийнаб қўйиши инсофданмикан? Умуман, ўнбеш-йигирма тоғора пиширик нимага керак? Бу исрофгарчилик, ношукурчилик эмасми?

Тўғри, хайитда кудалар бир-бирини зиёрат қилиши ҳам қарз, ҳам фарз. Лекин тоғораларни овора қилмай, олди-бердини кўпайтирмай, меъёр доирасида, ҳурматни сақлаган ҳолда муносабатда бўлишса қандай яхши!

Келинларнинг хайити масаласини, овора бўлаётган қатор-қатор тоғоралар тащвишини бир ўйлаб кўринг, эй умри азиз дугоналар, опа-сингиллар.

ДОНОХОН АЯ

Ажаб саодат эрур

Саксонинчи йилларнинг бошларида Самарқанд дорилфунунини битириб эндигина «Янгиер тонги» рўзномасида иш бошлаган кезларим эди. Кузнинг аччиқ изғирини эсиб турган кунларнинг бирида редакцияга кичик жуссали, юришлари чаққон ва ўта майин товушда гапирадиган ўрта ёшлардаги киши кириб келди. У киши муҳарриримиз, вилоят журналистлари отахони Муртазоқул Ҳайдаров билан қуюқ сўрашиб, анча гаплашди. Вилоят газетасида ишлаб қолами қайрилган бир ҳамкасбимиз биз ёшларга бояги

ҲАҚНИ ДЕГАН КЎП ЯШАР

кишининг таърифини келтирдилар. «Саминжон Султонов деган мухбир шу бўлади, каламидан заҳар томиб туради, лекин ўзи мард, ўғил болада» деб ҳам у ёғини, ҳам бу ёғини таърифлади.

Саминжон ака ўша кезлари «Ёш ленинчи»нинг Сирдарё ва Жиззах вилоятлари бўйича ўз мухбири бўлиб ишлардилар. Муҳарриримиз ҳузуридан чиқишлари билан ўзимни танитиб ёшлар матбуотига бир неча мақола юборганимни, нимагадир чиқмаётганини айтдим. Юмшоққина эканлар, мен — бир ёш мусаҳҳиҳнинг гапини инобатга олиб, ён дафтарчасига юборган мақоламнинг сарлавҳаси-ю нима ҳақидалигича ёзиб олдилар. Айтаман, чиқади, дедилар.

Орадан ўн кунлар ўтар-ўтмас очерким «Ёш ленинчи»да босилиб чиқди. Шу тариқа Саминжон ака менга «Ёш ленинчи» эшигини очиб берганди...

Саминжон ака фаолиятининг юз фоизи адолат ва ҳақиқат, поклик ва диёнатни оклаш, порахўрлик ва шафқатсизликни, нопоклик ва инсофсизликни қоралашга хизмат қилади, десам муболаға бўлмас.

«Ёш ленинчи»да ишлаган йиллари у кўплаб ноқонуний ҳукмлар, айрим ҳуқуқ-тартибот ходимларининг инсондек азиз зотни хор-зор қилганликлари тўғрисида ёзиб, ҳақиқатни тиклаганлигининг гувоҳи бўлганман.

Тақдир тақозоси билан у киши бизга муҳаррир бўлиб келиб қолдилар.

...Саминжон ака билан икки йил бирга ишлаб, бир олам ҳаётий сабоқларини олдим, унинг даражасига кўтарилишини орзу қилиб ишладим. Ҳамиша ҳақни талаб этишини қалбимда туйдим, ишга виждонан ёндашиб, газета обрўси учун кураша оладиган журналист эканлигига тан бердим. У ҳақиқатан ҳам талабчан эди. Устоз ўгити билан бўлар-бўлмас фактлар атрофида ўралашиб, кадрсиз мақолалар ёзишни ташладим, журналистикада инсонни улуғлашни ўргандим, мақолалар ёзишда «саминжончасига» ёндошишни ўргандим...

Мана, бир йилдирки Саминжон ака «Ишонч» рўзномасининг Сирдарё ва Жиззах вилоятлари мухбири сифатида фаолият кўрсатаётир. Қисқа давр ичида уни «Ишонч» мухлислари севиб қолишди, ҳатто «харидорлари» кўпайиб қолди. Айниқса, Октябрь районидан ёзган мақоласи, жабрдийда онанинг ичидан отилиб чиқаётган фарёдини қоғозга тушириб совхоз директори қилмишини қоралаган адолатли чиқиши яна шов-шувга сабаб бўлди. Ҳатто, «Ишонч»нинг ўша сони ўша районга «боролмагани ҳақида ҳам гап-сўзлар бўлди. Мақолани ўқигач жабрдийда онанинг алами босилгандек бўлди. Саминжон ака яна бир оилага, яна бир синиқ қалбга қалами билан нур олиб кирди, ҳаётга ишонч уйғотди.

Ўттиз беш йилдан бери қалам тебратиб, ёшлардан маслаҳат ва ўгитларини аямайдиган Саминжон ака 60 ёшга тўлаяптилар. Бағри кенглик саховот боқий йўлдошингиз бўлсин, Устоз!

Убайдалла СИРОЖОВ,
журналист

Ҳурматли Саминжон Султонович!

Оз ҳам эмас, кўп ҳам эмас роппа роса 35 йил она Ўзбекистоннинг бир қаламкаш фуқароси сифатида қисмати юрт қисмастига бирикиб кетган умригузаронингизнинг олтмишинчи бекатига соғ-саломат, бехатар етиб келганингиз муборак бўлсин! Ҳали йўлнинг давоми бор. Сиз кечаги чўлнинг манзараларини мусаввирдек чизолган ҳикоя ва очеркларингизда кези келса ёмғирнинг сувини тинитиб-тинитмай ичган биринчи чўлқуварларни қумбосган ертўлаларидан ХАЛҚНИНГ НАЗАРИГА олиб чиқдингиз. Шу тариқа ўзингиз ҳам мажруҳ кўнгилларга малҳам ўлароқ халқнинг назарига тушабордингиз. Қаламкашга бундан ортиқ бахт борми?

«Ишонч» муҳарририяти юқорида қайд этилган қутловларга тўла-тўкис қўшилган ҳолда Сизни 150 минглик газетхонларимиз номидан чин қалбдан табриклайди.

Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадисларида «Хайрли ва савобли ишлар инсонни турли ҳалокатлардан сақлайди» деганлари мустажо бўлиб, бошингиз тошдан бўлсин.

«ИШОНЧ» МУҲАРРИРИЯТИ

ҚАЪБА — ХАЛҚ ЮРАГИДА...

Менинг фикри ожизимча, олтмишида очилган Саминжон ака Султонов энг аввало «Айтилган сўз — отилган ўқ»лигини чуқур англаган ҳолда кўплаб очеркнавису, фельетончи, публицистларга ўхшаб ўқувчига халақит бериб асар қаҳрамонларининг оёғини тагида ўралашиб юрмайди. Айтадиган сўзининг салмоғини чамалаб, сўнг ўша қаҳрамонини тўппа-тўғри саҳнага — халқнинг ҳаволасига олиб чиқади. Қарсакни ҳам сиз чалasиз, ҳукмни ҳам сиз ўқийсиз, газетхон.

Ундаги хислатни мен замонанинг зайли билан 1965 йилларда «Сирдарё ҳақиқати»нинг адабий ходими бўлиб ишлаган чоғларимдаёқ сезганман. Менинг сўзларимга қаноат ҳосил қилмоқчи бўлсангиз, унинг турли йилларда «Ёш гвардия» нашриётида чоп этилган «Ленин йўриғи билан», «Яна келдим сени сўроқлаб» каби китоблари, «Шарқ юлдузи», «Саодат»да чоп этилган ўнлаб ҳикоя ва очеркларини бир варақланг-а. Тақдир тақозоси экан, «Ишонч»нинг Сирдарё ҳамда Жиззах вилоятлари бўйича мухбири С. Султонов билан яна бирга ишлаяпман. Саминжон ака ўша-ўша чумолидай заҳматкаш, боларидай меҳнаткаш. Ҳафталикнинг мухбирлари бўйларини унинг бўйига, қадамини унинг қадамига қараб ўлчайдилар.

Умр бўйи «Одам авлодидаги одамийлик шеваси камроқлар»нинг ниқобини йиртиб, рўмолини тушириб келаётган Саминжон Султоновнинг босиб ўтган йўлларини ўйлаганимда хаёлимга ҳазратнинг қуйидаги сатрлари келади:

— Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирини шод айлагай,

Онча борким, Қаъба вайрон бўлса, обод айлагай».

Ҳурматли Саминжон ака! Ушбу дил сўзларини келгусида халқнинг миллий идроки, миллий тафаккуридан келиб чиққан ҳолда миллий характерлар яратишингизга орзуманд уқангиздан деб билгайсиз. Зотан, ўзингиз айтганингиздек, Қаъба — халқ юрагида.

Анвар Эшонов,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
мукофотининг лауреати.

Шукроналик акс этган лаҳзалар...

* * *

Суратда:

Саминжон ака ўз оила аъзолари билан.

СУВ УСТИДА МЕҲР КЕРАК...

Ҳурматли «Ишонч!»

Биз Жиззах вилояти, Октябрь райони, Ф. Хўжаев номли давлат хўжалигида яшаймиз. Хўжалигимиз Жиззах чўлининг энг чеккасида жойлашган. Асосан пахтачилик билан шуғулланамиз.

Хўжалик марказий кўчаларига асфальт ётқизилган, табиий газ ва ичимлик суви билан таъминланган, ҳамма шароитлар бор. Лекин биз яшаётган «Кооператив» қишлоғи хўжаликка ўгай ҳисобланади.

«Кооператив» қишлоғида 35 та хонадон бор. Қишлоқ ичимлик суви билан тўла таъминланмаган. Табиий газ ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас, кўчалари қишда лой, ёзда чанг. Раҳбарларимиз Ўзбекистон Президентининг қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш тўғрисидаги фармонидан худди бехабарга ўхшайдилар. Қишлоқ аҳлининг яшаш шароитини кўриш учун ўз мухбирингни юборишингни сўраймиз.

Қишлоқ аҳли номидан
Абдирашид УМИРОВ.

Ош устида меҳр кетар, деган нақл бор. Октябрь районидаги Файзулла Хўжаев номли давлат хўжалигининг «Кооператив» қишлоғида бу нақлни таҳрир қилишиб, бутунлай янги шакл беришган — «Сув устида меҳр кетар». Бу нақлни тушуниш учун қишлоққа бир бориб, 35 хонадондаги 250 чамаси жон билан гаплашиш, уларнинг турмушини кузатиш кифоя.

Биз ҳам «Кооператив» қишлоғи аҳолисининг шикоят хати асосида сафарга отландик.

«Кооператив»га бориш олдидан район ижроқўмига кириб, раиснинг қурилиш бўйича муовини Қувондиқов билан суҳбатлашдик. Бу киши сув таъминотини яхшилаш учун 18 минг сўм пул ажратилганини айтди. Биз шу ҳақдаги қарордан бир нусхасини сўрадик. Агар қарор қўлимизда бўлса, қишлоққа борганимизда халқ билан гаплашиб, уларнинг кўнглини хотиржам қилиш енгил кўчарди. Бироқ биз кутгандек бўлиб чиқмади.

— Бу қарор ҳали лойиҳа, кучга кирмаган, — деди Қувондиқов.

— Хўш, газ-чи? — сўрадик биз.

— Ҳозир пул ҳам йўқ, труба ҳам йўқ.

Бу гапни эшитгач, йўл нима бўлади, деб сўрашдан ўзимизни тийдик. Чунки бу саволга Қувондиқовнинг: «Асфальт ҳам йўқ, шагал ҳам анқонинг тухуми», деб жавоб беришига ишонч ҳосил қилган эдик.

Аслида Қувондиқов ҳам, Ф. Хўжаев номли хўжалик директори А. Мамаев ҳам «Кооператив»га ўгай кўз билан қарашяпти. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтсак, улар асфальт йўлнинг шундоққина бўйида жойлашган «Кооператив» қишлоғи ёнидан ўтаётганларида кўзларини чирт юмиб, қулоқларига пахта тиқиб олишади-да, шоферларига: «Газни бос!» — деб хитоб қилишади. Агар шундай бўлмаганида, биринчи навбатда Абдусодиқ Мамаев сувга интиқ бўлиб навбат кутиб ётган одамларни, челаклар челакларга урилиб, бир-бирини юлишгача бориб ётаётган аёлларнинг фарёдлари-ю қарғишларини эшитар эди.

— Сув ҳар куни бир соатга очилади, — дейди бригада бошлиғи Абдирашид Умировнинг умр йўлдоши, — шу бир соатда олиб қолган ютади, ололмаган йиғлаб келгуси кунни кутади. Ёз кунларида бир челак сув олиш учун ярим соат вақт кетади, нега десангиз водопроводнинг босими йўқ, насос кучсиз, томчилаб оқаётган сув билан қандай тирикчилик қиламиз.

Хўжаликнинг марказий қўрғони «Кооператив»дан бир чақиримча нарида. Бу ерда сув, табиий газ бор, кўчаларга асфальт ётқизилган. Газ қувури «Кооператив»нинг биқинидан ўтгану, бу ўгай қишлоққа газ киритилмаган.

Кўнглимда оғир бир дард санчиқ бергандек бўлди. Мен райижроқўм ходими Қувондиқовни ҳам, хўжалик директори Мамаевни ҳам кўз олдимга келтирдим ва уларнинг уйларини сувсиз, газсиз, йўлларини қишда лой, ёзда тиззага баравар тупроқ ичида кўрдим. Борди-ю ростдан ҳам шундай бўлса, улар сира тоқат қилиб туришолмай, ўзларини ўтга ҳам, чўққа ҳам уришарди. «Кооператив»даги одамлар эса Мамаевлар эмас, бегоналар, ўгайлар. Танаси бошқа дард билмас, деб шуни айтса бўлар экан.

Халқ гамини, унинг дардини тушунинглар, Қувондиқов, Мамаев ўртоқлар. Президентимиз И. А. Каримовнинг аҳолини ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш ҳақидаги фармонини яхши тушунмаган бўлсангиз, уни яна бир марта ўқиб чиқинглар. Маблағ йўқ, қувур йўқ, деган баҳоналар эса, дангаса одамнинг гаплари холос. Халқимизда хоҳлаган имконият қидиради, хоҳламаган баҳона, деган гап бор. Агар истасангиз, ҳамма нарса топилади. Марказий қўрғонни топибсиз-ку. Етар энди, бегамлик ва лоқайдлик. Энди одамларнинг газабини қўзғатманг!

Саминжон СУЛТОНОВ.

Биздан сўрабсиз

Саволларга ҳуқуқшунос Ҳамидулла Пиримқулов жавоб беради.

Мен беш йилдан бери пахта тозалаш заводида ишлаб келаман. Ҳар йили заводимиз ишчиларига март-апрель ойларида 13-ойлик берилар ва мен ҳам уни олиб келар эдим. Агар 1992 йил 1 мартидан ишдан ўз хоҳишим билан бўшасам менга 13-ойлик бериладими?

Маъруф Қодиров
Оқ олтин райони.

Сиз сўз юритган ўн учинчи, ўн тўртинчи ойликлар йил якуни бўйича мукофот пулидир. Умумий қоидага биноан, йил якунига қадар узрсиз сабабга кўра ўз хоҳиши билан ишдан бўшаган ишчи-ходимларга бундай мукофот пули берилмайди.

Аммо меҳнат жамоаси маъмурият билан келишган ҳолда «Коллектив шартнома бўйича» амалдаги қонунчиликда назарда тутилмаган бошқа ҳолатларда ҳам бу мукофот пули берилиши мумкинлиги назарда тутилган.

Ёшим 48 да. 10 нафар болам бор. Қаҳрамон онаман. 30 йил жамоа хўжалигида ишладим. Агар ҳозир нафақага чиқсам менга қанча нафақа тўланади?

Р. Абдуллаева,
Қизилтепа районидаги «Меҳнат-роҳат» жамоа хўжалиги.

Амалдаги «Фуқароларни пенсия билан таъминлаш ҳақидаги» қонунга мувофиқ сизга ҳозир пенсия тайинлаш мумкин эмас. Юқорида номланган қонунчиликнинг 18-моддасига асосан 5 ёки ундан кўп болани туғиб, уларни 8 ёшгача тарбиялаган ва болалигидан ногирон фарзандни кўрсатилган ёшгача тарбиялаган оналар болаларига қараш учун бўлган даврни (қонунда кўрсатилган давргина) қўшиб ҳисобланганда камида 20 йиллик ёки бу даврни ҳисобга олмаганда камида 15 йил меҳнат стажига эга бўлсалар 50 ёшдан қарилик пенсиясига чиқишга ҳақлидирлар.

1. Ўзбекистон ССР Гражданлик кодексининг 481 ва 493-моддалари қайси йили қабул қилинган ва улар кимларни ҳимоя қилади?
2. Товон пули умумий даромадга қўшиб ҳисобланадими?

Б. Митонов.

Ўзбекистон ССР Гражданлик кодексининг 481-моддаси Республика Олий Кенгаши Президиумининг 1983 йил 28 февралдаги Фармони таҳририда берилган бўлиб, давлат ва жамоа ташкилотларининг, шунингдек, мансабдор шахсларнинг улар маъмурий бошқарув соҳасидаги ўз хизмат вазифаларини бажараётганларида қилган ғайриқонуний ҳаракатлари натижасида фуқарога етказилган зарарни қоплаш масаласини тартибга солади. Ундан ташқари шу моддада фуқаро ғайриқонуний тарзда ҳукм этилиши, ғайриқонуний тарзда жиноий жавобгарликка тортилиши, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш чораси ғайриқонуний тарзда қўлланилиши, қамоқ ёки ахлоқ тузатиш иши тариқасидаги маъмурий жазо чораси ғайриқонуний тарзда берилиши натижасида унга етказилган зарар суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг мансабдор шахслари айбдор ёки айбдор эмасликларидан қатъий назар, қонунда белгиланган тартибда давлат томонидан тўла ҳажмда қопланишини ҳам айтиб ўтади.

Сиз айтиб ўтган 493-модда эса биров майиб қилинган ёки унинг соғлиғига бошқача шикаст етказилган тақдирда, зарар учун жавобгар бўлган ташкилот ёки граждан жабрланган шахсга, унинг меҳнат қобилияти йўқотилгани ёки камайганлиги сабабли йўқотган иш ҳақини, шунингдек, соғлиғига шикаст етазилганлиги сабабли қилинган харажатларни тўлашни тартибга солади. Бу модда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1974 йил 27 июнь Фармонига биноан киритилган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, сиз сўраган ҳар иккала модда ҳам фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгандир.

Товон пуллари ҳам фуқароларнинг умумий даромади ҳисобланади. Шу туфайли ҳар қандай ҳисоб-китоб умумий даромаддан келиб чиқиши керак. Бунда даромад солиғини олиш: фуқаролардан, чет эл фуқароларидан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан даромад солиғи олиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ амалга оширилиши керак.

Деҳқончилик саноати ходимлари касаба уюшмаси Челак район ташкилоти шу йилнинг июль ойидан буён марказлашган ҳисоб-китоб усулида ишламоқда. Ташкилотимизга бирлашган 29 та бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти қаторида 5 та жамоа хўжалиги ҳам мавжуд. Бу хўжаликлар касаба уюшмаси қўмиталари раисларининг ойлик маошларидан баромад солиғи ушланадими? Бундан ташқари касаба уюшмаси ташкилотларида ишлаётган маданият ходимларидан ҳам даромад солиғи олиниши тўғрими?

Б. Хушвақтов,
деҳқончилик саноати ходимлари касаба уюшмаси район ташкилоти ҳисобчиси.

Ўзбекистон Республикасининг фуқароларидан, чет эл фуқароларидан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 2-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат жойига эга бўлган фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ташқарисида ҳам пул ёки натура тарзида олинган даромадлари солиқ олиш объекти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат жойига эга бўлмаган фуқароларнинг даромадлари Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган бўлса, бу даромадлардан ҳам солиқ олинади.

Демак, сиз сўраган касаба уюшма қўмитаси раисларининг ҳамда бу қўмитада ишлаётган маданият ходимларининг маошларидан ҳам даромад солиғи олиниши қонунга мувофиқдир.

Ойлик маошга қўшилиб кетган товон пулидан ҳам алимент ушлаб қолиш мумкинми?

Рўзимурод Холматов,
Бойсун районидаги А. Икромов номли мактаб.

Юқорида айтганимиздек, тўланаётган товон пули ҳам фуқаронинг умумий даромади ҳисобланади. Шу туфайли вояга етмаган болаларингиз учун алимент тайинланаётганда Ўзбекистон Республикаси «Никоҳ ва оила» мажмуасининг 96-моддасига биноан сизнинг даромадингиздан ҳам тегишли қисми ундирилади.

Ҳукуматимиз томонидан коллектив боғдорчилик ва полизчиликни ривожлантириш юзасидан қабул қилинган қарорнинг ҳозирги кунда ўзига хос қандай жиҳатлари бор?

Т. Тўраев, Наманган шаҳри.

Бу саволга мутахассис К. Шодмонов жавоб берди.

1987 йил сентябрь ойида қабул қилинган «Фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини, коллектив боғдорчилик ва полизчиликни ривожлантиришга оид қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги қарорда коллектив боғдорчиликни ривожлантиришга қаратилган катта ўзгаришлар киритилди. Унда ҳар бир вилоят ва мухтор республикада коллектив боғ ва полизларни жойлаштириш йўналишларини тезроқ ишлаб чиқишни ниҳоясига етказишга, ҳар бир район бўйича яна шундай боғ ва полизларни ободонлаштириш, электр энергияси, сув ҳамда телефон алоқаси билан таъминлаш кўзда тутилган.

Коллектив боғ ва полизлари учун давлат ер фондидан ерлар, жумладан, зарур бўлган ҳолларда жамоа хўжаликлари ва давлат хўжаликлари ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик тармоқларининг ерлари ажратиб берилади. Бунда кўп қаватли уй-жой биноларида яшовчи колхозчилар, давлат хўжаликларининг ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг ходимлари учун боғдорчилик ширкатларини ташкил қилиш мумкинлиги назарда тутилади.

Шу нарса белгилаб қўйилди-ки, коллектив боғ ва полизларни жойлаштиришнинг тасдиқланган кўрсатмаларига мувофиқ улар учун ер участкалари аризалар берилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида халқ депутатлари район (шаҳар) Кенгашлари ижроия қўмиталарининг қарори асосида ажратиб берилади.

Ҳурматли адибимиз Йўлдош МУҚИМ ўғли Оташ узоқ йиллик изланишлар натижасида халқнинг қадимий ривоят ва афсоналари асосида ҳам бадиий, ҳам тарихий — этнографик аҳамиятга молик «МИНГ МАРЖОН» деб номланган рисолалар силсиласини яратди. Қуйида шу асардан «СУМАЛАК — ЎТТИЗ МАЛАҚ» деб номланган бобини ўқийсиз.

Сумалак



Аёз ўтиб, ҳаво исий бошлагач, қишлоқ аҳли жонланиб қоларди. Сандал бурчакларини тарк этишиб ҳовлини тартибга солишга, супуриб-сидиришга, ёмғиру қордан қолган хас-чўплардан тозалашга киришардилар. Болалар уларга ёрдам берардилар.

Лекин биз учун бу кезларда исмалоқ ва киччи (кўкат), қаймоққоқи, хилбўй (ялпиз) теришдан севимлироқ иш йўқ эди. Кечкурунлари бутун қишлоқ узра хушбўй кўкат-сомса ҳиди таралиб кетарди. Ҳай-ҳай, бай-бай! Бундан ҳам мазалироқ, бундан ҳам лаззатлироқ он, фасл бўлмаса керак. Кўклам — гуллайди олам, яшнайди одам!

Уйда ҳам кўм-кўк майса ўстирардик. Илма-тешик тахта устига буғдой ёки арпа уруғи тўкилиб, тепасидан сув сепиб туриларди. Тез орада уруғдан оқиш-сарғиш бўлиб, қилтириқдай нозиккина ниш уриб чиқар, сўнг барра-барра бўлиб дириллаб, кўм-кўк тус оларди. Ана шундай майсаларнинг бирикиб-чатишиб кетган илдизлари бир-биридан ажратилиб, туплари алоҳида-алоҳида қилиниб, қозон тўлди, яъни наврўз кечаси баргларига тоза сув сачратиб, дастурхон устига қўйиларди. Сув томчилари шуълаланиб, диркиллаб турган ям-яшил кўкатлар кўзни қамаштирарди.

Дастурхонни улкан патирлар ва рангдор тухумлар безарди. Каттакон сопол товоқдаги тиниқ сув юзида ҳам кўкатлар, эндигина сабз қилган тол, тут ва бошқа дарахт барглари зумраддай товланиб турарди.

Булар ҳаммаси кўклам элчиси, кириб келаётган баҳор даракчиси деб шундай қилинарди. Имконияти бўлса етти хил дон — буғдой, арпа, нохўт, жўхори, гуруч, мош, лубло, иложи топилмаса, фақат жўхорининг ўзи янчилиб, қозон тўлдириб кўжа пишириларди. (Мен буларни Бухоро ўзбеклари шевасида атадим).

Қишлоғимизга қачонлардир Эрондан келиб қолган оилаларда «Ҳафтисин» деган таом ҳам тайёрланарди. Масаллиқлар «Син» товуши ила бошланарди: сабзи, яъни кўк ўт-майса, сир-саримсоқ пиёз, седона-сўмоқ (нонга сепиладиган гул уруғи), себ — олма, сирко, санжида-жийда. Испанд (ҳозирсипанд, исирик)...

Эроний ҳамсояларимиз ўзбек тилида сўзлашадиган бўлиб кетганликларига қарамай, қадим ота-боболар урф-одатини унутмаган, унга риоя қилар эдилар.

Ҳафтисин тайёр бўлгач, уйларига қўшниларни чақиришар, қўшиқ айтиб, ўйнашарди. Бироқ у қўшиқлардан бирортасини эслай олмайман. Аммо ҳафтисинга атаб ўз бувим — Нурмомо тўқиб, айтган байтларнинг баъзи бирлари ҳеч хотиримдан чиқмайди:

Тайёр бўлди Ҳафтисин,
Хоҳлаганлар тез келсин!
Сумалакми, самбўса..
Чопинг, бариси текин...

— Биласизларми, «Сумалак» не деган сўз? — сўрардилар Нурмомо ҳамма сумалак пишириш ташвиши билан банд бўлиб юрган маҳалда бизни ёнларига чақириб, — «Сумалак» аслида «Си малак» — ўттиз пари, ўттиз фаришта, дегани.* Сумалак пишаётганда қозон бошида ўттиз малак ўтиради. Ошпаз эмас, ўшалар, парию фаришталар пиширади сумалакни. Тонг маҳали ҳамма чарчаб-чарчаб ухлаб қолганда, фаришталар сумалакка туз соладилар. Фаришталар қўлидан туз еган сумалак ширин бўлади. Ҳа, чироқларим, сумалак Қутлуғ ош. Уни еганлар савоб топади.

Сўнгра Нурмомо ўз ҳикоялари охирига қўшиқ тўқиб, қўшиб қўярдилар:

Лола гул алвон-алвон,
Сумалак берар дармон.
Сумалак етмай қолган,
Бир умр қилар армон...

Аёллар сомсаю сумалак пишириш билан овора бўлсалар, эркаклар кетмону ўроқ чархлаб, омочу бўйинтуруқ, қўш қўшиш учун зарур бошқа асбоб-ускуналарни ҳозирлар эдилар. Худди ана шу кезларда оғилхоналардан моллар офтобрў жойларга олиб чиқиларди, қиш бўйи ифлосланган жунлари қошовланиб, ювиб таралади. Айниқса ҳўкизларга алоҳида диққат-эътибор бериларди. Яхши боқилиб, шохлари нон қовурилган ёғ билан мойланади. Ҳали-ҳали эсимда, қозон бошида туриб қовурилган нон парчаларини қисирлатиб ер эдик. Нурмомо беҳад шод-хуррам бўлиб, қўшиқ тўқир эдилар.

Эриб ерда қор ва муз,
Келар оламга Наврўз,
Яраклаб офтоб, юлдуз,
Энди оёғинг тинмас.
Қўлинг қўлингга тегмас,
Югуриб кеча-кундуз.
Тайёрмикан қўш-ҳўкиз,
Қилай ҳаммага кўз-кўз.
Қани даврага чиқсин,
Оқин борми, чечан сўз.
Ўлан, қўшиқ айтишсин,
Чалиб дўмбира, қўбуз...

Шамол ҳур-ҳур эссин-о,
Боғлар аро кезсин-о
Далаларда елсин-о
Баҳор фасли келсин-о
Наврўз сайли келсин-о!

Ҳамал-дар амал, дерлар,
Тенгги йўқ маҳал дерлар,
Ҳаммаёқ зарҳал, дерлар,
Яйлову-пайкал, дерлар.
Бахшига масал, дерлар,
Тилингга асал, дерлар.
Азалдан-азал, дерлар,
Ҳамал ой гўзал, дерлар...

Ҳўкизлар қозон тўлди куни кўчага олиб чиқиларди. Қишлоқдан унча узоқ бўлмаган далада ҳамма ҳовлилардан чиққан ҳўкизлар тўпланарди, кўз-кўз қилинарди. Катта-катта қозонларда шўрва, ҳалимҳалиса қайнар, сомса ва бўғирсоқ пишириларди.





Бир неча қария бошчилигида биз — болалар, ҳаво рангидаги эски-туски кийим-кечак ва латта-путта йиғиб Бободеҳқон ясардик. Уни сайил ўтадиган майдонга қўярдик. Бошидаги салласи ва соқоли оппоқ пахтадан қилинарди. Арпа ва буғдой-поялари ва бошоқларидан мўйлов ёпиштирардик.

Бободеҳқон турган майдонда гулхан ёқилиб, унинг атрофида турли-туман ўйин-томошалар бўларди. Юзига ниқоб кийиб олган кишилар гулхан устидан у ёқдан бу ёққа сакраб, ўз эпчилликларини намойиш қилардилар. Уларни «кўзбоғчи» деб атардилар. Болалар хўроз, катталар эса қўчқор уриштирардилар.

Қишлоғимизда Султонбобо деган шоиртабиат, аскиябоз одам бўларди. Теварак-атрофдагилар у кишини Султонбахши деб ҳам атардилар. Қувноқ ва ҳазилкаш эди. Шунинг учун бўлса керак, «Султон шўтқари» деган лақаби ҳам бор эди. Ўзи қўшиқ тўқиб, даврага чиқиб, тўйганича ўйнар, дўмбира чертиб, турли-туман қўшиқлар айтарди.

Ўшалардан баъзилари айнан бўлмаса ҳам тахминан эсимда қолган: Султонбобо гулхандан гир айланиб, ўйнаб-ўйнаб, яна изига қайтгандан, сўнг, Бободеҳқон ёнида тўхтар ва унга эгилиб салом берганча, мурожаат қиларди:

...Ҳикматларга тимсол бўлган бошинг бор,
Қирқ элатга шоҳ бўлгудай ёшинг бор.
Арпа, буғдой бошоғидан қошинг бор,
Кучга тўлиқ, минг-минглаб йўлдошинг бор.

...Оёқ бердим узоқларга етгин деб,
Қўл ясадим мақсадингга етгин, деб
Соқол қўйдим ҳар бир туки сеҳргар
Бармоқларинг беш барака, экар зар.
Тишларингга қараб турсам, тиллодан,
Юз ва кўзинг аримасин жилодан!..

Султонбобонинг ўзи ҳам худди Бободеҳқонга ўхшаб кетарди, қошлари ўсиқ, бароқ-бароқ, соқол-мўйлови оппоқ, кўкрагига кўркамлик, ўзига салобат, юзига ҳаловат бағишлаб турарди. Султонбобо Бободеҳқонга аталган қўшиғини тугатиб, яна беданадек чаққон йўрғалаб гулхан томон кетарди. Унинг икки томонида тўпланган одамларга салом бериб, қушдек қанот кериб, қошларини сеҳрли қоқиб, одамлар дилини ёқиб, қўлидаги қайроқларни чақмоқдай чақиб, ўйинчилар даврасига қўшиларди. Уларга жўр бўлиб, дам бир оёқлаб, дам икки оёқлаб тағин ўйинга тушиб кетар ва қандайдир бир тасвир қилиб бўлмас ҳузур ила кўзларини юмиб, бош чайқаб, лапар айтарди:

...Баҳор денгиз, куз қирғоқ,
Қор ёғмаса, ёз қурғоқ.
Оқмай қолади булоқ,
Дарё боши кўп узоқ.

Тезроқ эри қорли тоғ,
Азим дарё бўлиб оқ!
Сувингга ҳамма муштоқ
Гулласин боғи-чорвоқ.

Ўйна қўлимда қайроқ
Сайра қўлимда қайроқ!
Яккалакка ўйнасамми,
Яккалакка ўйнасамми?
Отам рози бўлсалар
Дуккалакка ўйнасам ман.

Ариқ суви лойлансин,
Оқиб кетмай, бойлансин,
Далалардан айлансин!
Ҳансирайди ер чанқоқ,
Ўйна қўлимда қайроқ,
Сайра қўлимда қайроқ!
Яккалакка ўйнасамми,
Яккалакка ўйнасамми?
Онам рози бўлсалар
Дуккалакка ўйнасам ман.

Сувга кетувди мироб
Юрагим бўлди хуноб.
Уруғ унаркан қандоқ
Гармоб ичмай, емай тоб,
Ўйна қўлимда қайроқ
Сайра қўлимда қайроқ!
Сайра қўлимда қайроқ!
Яккалакка ўйнасамми,
Яккалакка ўйнасамми?
Акам рози бўлсалар
Дуккалакка ўйнасам ман.

Султонбобо ўз ўйинига маҳлиё бўлиб, берилиб, нозу карашмалар қилиб, керилиб, симобдай эриб, рақсга тушаётган «қиз» сари йўналарди, даврадаги одамлар аро оралаб, ўралиб-тўралиб, унга яқинлашарди-да, қулоғига шивирларди:

Ўлдурса, ёр, ўлдурса,
Куйдирса, ёр куйдирса,
Кел, олайин, бир бўса...

Султонбобо ўйнаётган «қиз»лардан бирини юзини очарди, бироқ рўмол тагида эркак кишини кўриб, уни жеркиб қочарди:

Юзинг қурсин, кет кўса...
Яккалакка ўйнасамми,
Яккалакка ўйнасамми,
«Ёрим» рози бўлсалар,
Дуккалакка ўйнасам ман.

Сўнгра, майдоннинг бир ёғидан йигитлар, иккинчи ёғидан қизлар чиқиб тизилардилар. Йигитлар сафига қўй терисидан тикилган қора қалпоқ кийган оқсоқол чол, қизлар сафига оқ чорси рўмол ўраган, худди шундай оппоқ лачак таққан кайвони-кампир бошчилик қиларди. (Аслида эса булар аёл кийимидаги эркаклар).
Йигитлар ва қизлар сафи бир-бирига юзма-юз туриб, айтишувга киришиб катишарди.

Ё оқ терак, ё кўк терак,
Биздан сизга кимлар керак.
Бўлса агар биров керак
Бора қолсин, очинг йўлак!

Йигитлар олдинга ўқталиб, яланг тўшларига — очиқ кўкракларига мушт уриб, сўнгра бир-бирларини бармоқ ила кўрсатиб, ташналик билан, орзиқиб сўрардилар.

Бугинания, шугинани-я,
Угинани-я, биргинани-я?

Қизлар кўзларини сузиб, қошларини учириб, кимгадир сеҳрли боқиб, имо-ишора қилишардилар, гўё кимнидир сўрашаётгандай бўлардилар. Йигитлар эса бир-бирларидан қизларни қизғанишиб, юрак-қалблари тутоқишиб, илинжи-умид билан яна илтижо қилишардилар.

Бугинани-я, шугинани-я,
Угинани-я, биргинани-я?

Қизлар жавоб қайтариш ўрнига йигитларга мурожаат қилишарди;

Олға чиқинг, бўлса юрак,
Қалтираманг, тутиб безгак!
Қолганмисиз ё етимтак,
Бўлганмисиз ё югурдак?
Ё оқ терак, ё кўк терак,
Биздан сизга кимлар керак?

Йигитлар сакраб-сакраб, бирбирларидан ўзишга ҳаракат қилиб, олдинга отилардилар. Қизлар ҳусни-латофатидан кўзлари қамашиб, қайсисини сўрашни билмасдилар, ўз сафларидан ким кераклигини англолмай бир-бирларини кўрсатиб, сўрашардилар:



Бугинани-я, шугинани-я,
Ёки анави қизгинани-я?
Ёнар юзлари қирмизгинани-я?
Ширин-шакар сўзлигинани-я?

ЙИГИТЛАР —
Йигит-қизлар бўлиб бирдак,
Гул терайлик, этак-этак.
Қўшиқ айтиб ёки эртак,
Пиширайлик ош, сумалак,
Ё оқ терак, ё кўк терак,
Биздан сизга кимлар керак?
Бугинани-я, шугинани-я,
Угинани-я, бугинани-я!
Ёки талтайган семизгинани-я?
Увол қилмангиз эсизгинани-я!

Қизлар —
— Тизилипти кўп тирмизак
Баринг гўдак, беэмизак,
Айтинг борми сизда тилак?
Ё оқ терак, ё кўк терак,
Биздан сизга кимлар керак?

Йигитлар яна орзиқишиб, ялиниб-ёлворишиб сўрашади:

Бугинани-я, шугинани-я,
Угинани-я, биргинани-я.
Қилмангиз қизлар кўп гинани-я,
Қўлизга қўйиб, хўп хинани-я?

Йигит-қизлар сафи бир-бирига яқинлашиб келади, сўнгра қўлни-қўлга бериб, биргаликда куйлашади:

Эй ёронлар бўлинг рўбарўй,
Кутар бизни элда катта тўй.
Юз ҳўкизча, минглаб-минглаб қўй
Семизин қўй, ориғини сўй!
Шошган қизлар эрга ёлчимас,
Йигит шошса қарчиғай эмас.
Чанг-тупроқдан тилло-ганж бўлмас,
Номард элга ҳеч таянч бўлмас,
Бугинани-я, шугинани-я,
Қучиб олайлик, эл, дунёни-я.
Илдизин қирқиб, шумғиёни-я,
Нурга пуркайлик зимзиёни-я.
Бугинани-я, шугинани-я,
Угинани-я, бугинани-я?

Йигит ва қизлар майдонни тарк қилганларидан сўнгра яна томошабинлар орасидан Султонбобо отилиб чиқарди. Давра ўртасида секин-аста айланиб, элу юртга эзгу ниятлар тиларди. У ҳар бир тўртликни қироат ила айтиб бўлгач, майдон атрофида тўпланган одамлар юз ва кўзларига қўлларини тортиб, оҳангдор чўзиб, «Омин» дея нидо солардилар:

Султонбобо:
Ёмон юрмасин,
Тўзон турмасин!
Гуллар сўлмасин,
Инсон ўлмасин!
Халойиқ:
Омин!
Султонбобо:
Ер ёрилмасин,
Қон қорилмасин!
Эр йиқилмасин,
Қиз қирилмасин!
Халойиқ:
Омин!
Султонбобо:
Зот йўқолмасин,
Фарёд қолмасин!
От қоқилмасин,
Ёд ёқилмасин!
Халойиқ:
Омин!
Султонбобо:
Ҳаммасин, ҳаммасин,
Осмон асрасин!
Душман ҳамласин,
Балолар сасин,
Совуқ нафасин,
Олов ямласин!
Халойиқ:
Омин!

Шундан сўнгра Султонбобо майдон ўртасида ёниб турган гулханга ўтин қалай бошларди.

Ундан кейин қишлоқнинг бошқа мўътабар кишилари ҳам бирин-кетин ўтга ўтин ташлаб, майдоннинг иккинчи томонига ўтабошлардилар. Гулхан ловуллаб, авж олиб, кўкка кўтариларди. Султонбобо яна қўшиқ тўқиб, тилаклар тиларди, қолганлар олдингидек фотиҳа ўқишда давом этишарди:

Султонбобо:
Эл ўтказар маърака,
Тангри берсин барака!
Ҳеч ким қолмасин якка,
Ҳамма етсин тилакка!
Халойиқ:
Омин!
Султонбобо:
Эл ўтказур маърака,
Тилаб бахту барака.
Тикилмаган фалакка,
Қувват йиғгин билакка!
Халойиқ:
Омин!
Султонбобо:
Эл ўтказур маърака,
Ёғилаверсин барака!
Қут бер бешик-йўргакка,
Мадад бергил юракка!
Халойиқ:
Омин!



Султонбобо:
Эл ўтказар маърака,
Биродар, ака-ука.
Яшамагил эрмакка,
Қалқон бўлгил кўкракка!
Халойиқ:
Омин!

Шундан сўнг ҳамма тўпланганлар ўйин-томошани тўхтатиб, дала томон йўл олишарди. Шудгор қилиб, текислаб, тайёрлаб қўйилган ерга, иситаётган тупроқ қўйнига биринчи уруғлар тушарди. Шу зайл экиш мавсуми бошланиб кетарди...

Йўлдош Муқим ўғли ОТАШ

---

*— Афсона шундай талқин қилади. Тарих гувоҳ беришича эса «Сумалак» форсча «Самони» — буғдой майсаси сўзидан келиб чиққан, деб фараз қилинади.

ДИРЕКТОР ХАЙФСАН ОЛДИ

Деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилоят қўмитаси ҳайъатининг йиғилиши Андижон районидаги Энгельс номли давлат хўжалигининг директори, касаба уюшмаси аъзоси И. Исоқовга қаттиқ хайфсан эълон қилди. Хўш, хўжалик раҳбарига бу жазо нима учун берилди?

1990 йилнинг сентябрь ойида хўжалик биология лабораториясининг мудираси Ф. Мансурова унинг розилигисиз катта лаборант вазифасига ўтказилди. Мудирлик вазифаси эса агрономга юклатилди. Бироқ, штатлар жадвали давлат хўжалигининг юқори ташкилотида аввалгидек сақланиб қолган, шу тариқа меҳнат қонуни бузилган. Вилоят қўмитасининг ҳуқуқ инспектори Т. Иномиддинов хўжалик раҳбариятига 1991 йилнинг 13 майида Ф. Мансуровани ўз вазифасига тиклаш юзасидан тақдимнома берган. Аммо хўжалик маъмурияти бу масалани кўриб чиқишни хоҳламагани учун такрорий огоҳлантирилган. Шунда маъмурият биолаборатория хўжаликка керак эмас, деб сентябрь ойидан уни умуман тугатиш ҳақида буйруқ чиқарган. Аммо бу буйруқ ноқонуний бўлгани ва тақдимномаларни бажариш талаб этилгани учун лабораторияни тугатиш расмийлаштирилгунча — 1992 йилнинг биринчи январигача мудирлик лавозими қайта тикланган.

3-бўлимдаги 29-бригада ишчиси Д. Тошбоева 1991 йил 15 февралидан ишга кирган, аммо, унинг директорга бир неча марта қилган мурожаати, аризаси инобатсиз қолган ва буйруқ чиқарилмаган эди. Д. Тошбоева етиштирган помидор ўша йили совхозга даромад келтиргани ҳолда, шу даромадни қайд этган ҳисобхона унга ҳақ тўлашдан бош тортди. 9 сентябрда эса декрет отпускаси учун тақдим қилган касаллик варақаси ҳам рад этилди.

Қанча асаббузарлик, аччиқ-тирсиқ гаплардан кейингина бу аёлнинг иши тўғриланди. Қонунда ходимнинг ишлашига рухсат этилган тақдирда у буйруқдан ўтмаган бўлса ҳам, ишга қабул қилинган ҳисобланади, дейилади-ку!

ДАВЛАТ хўжалигидаги бир неча боғчаларнинг ноқонуний ёпилиши ҳам норозиликларни келтириб чиқарди. Дирекция маҳаллий кенгаш, юқори хўжалик органлари, халқ таълими бўлими билан маслаҳатлашмай, хўжаликдаги тўртта боғчани ёпиш ҳақида 1991 йилнинг 16 ноябрида буйруқ чиқарди. Бунга боғчаларда ўзгаларнинг болалари тарбияланиб, хўжаликнинг пули кетмоқда, деб баҳона кўрсатилган. Ваҳоланки, текшириш пайтида бу боғчаларда асосан хўжалик меҳнаткашларининг, уларга хизмат кўрсатаётган ўқитувчилар, врачлар, ногиронлар, байналмилалчи жангчиларнинг фарзандлари тарбияланганликлари аниқланди.

ҲОЗИР ҳамма жойларда меҳнаткашларнинг иқтисодий ҳимоясини мустаҳкамлаш чораси кўрилмоқда. Иқтисодий жиҳатдан бақувват меҳнат жамоалари имкониятларига қараб, ўз ходимларига оширилган товон пуллари белгиламоқдалар. Аммо бу ерда республика Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил августидан товон пуллари 100 сўмга етказилсин, деган кўрсатмаси ҳам бажарилмаган. Октябрь ойигача товон пули 60 сўмдан ошмаган. Текшириш ўтказилган декабрь ойида эса хўжаликнинг жорий ҳисобида бир миллион 595 минг сўм пули бўлган.

Сентябрь, октябрь, ноябрь ойлари учун болаларга нафақа пули ҳам бухгалтерия ходимларининг айби билан берилмай қолиб кетган. Ваҳоланки, район молия бўлими бу мақсадлар учун зарур бўлган 695 минг сўмни аллақачонлар хўжаликка ўтказиб қўйган эди.

ПУДРАТЧИЛАР билан ўтган йилнинг бошида тузилган шартномалар бузилган, маъмурият ўзбошимчалик билан унда келишилган нормаларни ўзгартирган, натижада янги усулда ишлаётганларнинг ҳақли норозилиги келиб чиққан. Маъмурият ярим йиллик ҳисобот пайтида меҳнат жамоаси билан тузилган шартноманинг бажарилиши тўғрисида ҳисоб бермаган. Ана шу сансалорликлар, адолатсизликлар, меҳнат қонунларининг бузилиш ҳоллари, фармон ва кўрсатмаларнинг бажарилмаганлиги учун биринчи навбатда хўжалик раҳбари И. Исоқов айбдордир.

Давлат хўжалиги касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Х. Хожиев кўп масалаларда директор билан баҳслашиб қолар ва ҳар доимо масаланинг адолатли ҳал этилишини талаб қиларди. Аммо бу талабларни директор бошқача тушунар ва касаба уюшмаси қўмитаси раисининг халқ ёнини олаётганлигидан норози бўларди.

ВИЛОЯТ қўмитаси ҳайъати йиғилиши иштирокчилари директорига ана шу камчиликларини ва касаба уюшмаси қўмитаси билан ҳамкорлик ўрната олмаганлигини, натижада ҳар иккала томон ўртасида зиддиятлар келиб чиққанлигини кўрсатиб ўтдилар. Йиғилишда И. Исоқов сўз олиб, барча йўл қўйган камчиликларини бартараф этиш учун имконият берилишини сўради. Хайъат йиғилиши унинг чин кўнгилдан камчиликларини тан олганини инобатга олиб, қаттиқ хайфсан билан ишда қолдириш ва камчиликларни шу йилнинг биринчи июлигача бартараф этишга имкон бериш ҳақида қарор қабул қилди. Унга иш ҳақлари, товон пули, нафақа тўлашдаги камчиликларни тез орада бартараф этиш топширилди.

Хўжалик касаба уюшмаси қўмитаси кўтарган масалалар ҳаққоний ва тўғри эканлиги тан олинди.

Узоқбой САҚСОНБОЕВ,
«Ишонч» мухбири.
Андижон вилояти.

ДАРДИМ ОҒИР

Садриддин Чўлиев билан 1984 йилда оила қурган эдик. 2 қиз кўрдик. Шу кунгача яхши, бахтли ҳаёт кечириб юрган эдик. Афсуски, турмушимизга учинчи киши суқилиб кирди-ю бахт биздан бегона бўлди.

Садриддин акам 1988 йилда Бухоро район Гала-осиё посёлкасидаги 6-СПТУ нинг «Уста-Ширин» ширкатига раис бўлдилару, кундан-кунга ўзгариб, ҳатто уйда ҳам кам бўладиган, маошини келтирмайдиган бўлиб қолдилар. Кейинчалик билсам, ҳисобчиси Гулнора Отамирзаевани уйида қолиб кетар экан. У Гала-осиё посёлкаси, Пушкин кўчасидаги 3-уйда истиқомат қилади. Эрим келса мени уриб, ҳақоратлайдиган бўлди. Қалтакдан ҳамма жойим кўкариб кетган пайтлар ҳам бўлди. Қўшниларим гувоҳ бунга. Шундай бўлса ҳам ҳеч қаерга шикоят қилмадим, 2 боламни ўйладим, чидадим...

Бир куни эрим ишдан келиб, мени яна ҳақоратлади, суд орқали ажра деб талаб қилди. У ўша ҳисобчи Гулнора Отамирзаевага уйланмоқчи экан. Мен рад жавобини берганимдан сўнг ўзи судга ариза берди. Бир неча бор суд бўлди. Мен ҳар гал эримдан ажралмаслигимни, болаларим тирик етим қолишини хоҳламаслигимни айтдим. Садриддин ака узоқ вақт уйга келмай қўйдилар. Болаларимни боқиш, уй пулини тўлаш учун ишга кирдим. Икки сменалаб боғчада тарбиячи бўлиб ишладим. Эрталаб соат 7 дан кеч соат 7.00 гача тиним билмадим. Баъзан Садриддин ака уйга келиб яна мени қон йиғлатарди. Охири 1991 йил мартда ажрашдик. Судда болаларим менда қолишини ва С. Чўлиевдан алимент ундириб беришларини талаб қилдим.

Афсуски, номард ота болаларини йўқлаш у ёқда турсин, алимент пулини ҳам ёлчитмайди. Қачонки судга арз, шикоят қилсам, кейин зўрға пул келади. Қейинги 6 ой давомида умуман алимент олганим йўқ. Энди арзларим ҳам натижасиз қоляпти.

Бировнинг бахти эвазига ўз ҳаёт тахтини қураётган Гулнорадай беҳаё аёл кўзини лўқ қилиб гўдаклар ризқига шерик бўлаяпти. Унинг виждони қийналмаганига ҳайронман. Гулнорадек аёллар бўлмаса тинч оилалар бузилмасди.

Хушвақт ПИРНАЗАРОВА,
Бухоро, 5-микрорайон.

КИМ ЗОР, КИМ БЕЗОР

Қўлимга қалам олишимга газетада босилган «Фарзанд қотили ким?» мақоласи сабаб бўлди. Уни ўқиб юрагим эзилиб кетди. Мақола ёшлигимдаги бир воқеани эсимга солди. Онам «олча териб бергин, болам», деб қўлимга пақир бердилар. Мен дарахтга чиқиб олча тераётгандим беҳосдан олча шохларидан биридаги мусича уясидан бир тухумни ерга тушириб юбордим. Тухум ёрилди, унинг ичида анчайин ривожланиб қолган мусича боласи типирчилаб ётарди. Буни кўрган онам жон бераётган полопонга ачинганича «ҳа, олча термай кет-а...» деб мени роса уришган эдилар.

Газетадаги мақолани қандай ўқиб чиққанимни ўзим ҳам билмай қолдим. Наҳотки, бир инсон қотиллик қиламан деса, иккинчиси қўлида пичоқ ушлаб турса... Оналар ҳақида не-не қасидалар, ғазаллар, очерклар битилмаган, уларнинг меҳрлари, чеҳраларидаги гулгун табассумлар тўғрисида нималар дейилмаган. Бас, шундай экан, она бўлишдек муқаддас номни булғаётган кимсаларга жазо ҳам берилиши керак!

Обиджон ҒОЗИЕВ,
Тошкент.

УШБУ мақолани ўқирканман, хаёлимга «ҳаётда кимдир фарзандга зору, кимлардир ундан безор-а», деган фикр келди. Жамиятимизда фарзандсизлик туфайли ажралишаётган оилаларни кўрсам ич-ичимдан эзиламан. Афсуски, бундай тақдирга баъзи қизларнинг ўзлари ҳам сабабчи бўлишаяпти. Айниқса, нопок қизларнинг отасиз бола туғишларини ёки болаларини оладириб ташлашларини олдириб ташлашкин. Қани ундайларга жазо?.. Наҳотки ўз ор-номусларини паймол қилиб, пулдор бўлишни бахт деб тушунсалар?

Ҳаётда бир бор адашган қизларга шундай дегим келади. Ҳомилани ҳеч вақт олдириб ташламанг, вақти-соати келиб кўзингиз ёриса, балки ўша сизни алдаган йигит ўз жигаргўшасини кўриб, бир умр сизга вафодор ёр бўлар...

Азиз сингилларим, ҳаётда ҳамиша ҳушёр, сергак, бир умр имонли, иболи, шарму ҳаёли, сабр-тоқатли бўлинглар. Ҳеч вақт бошингиз хам, кўзингиз нам бўлмасин.

Мен оддий бир темирчи устаман. Лекин ушбу мақола сабаб туғилган дил дардларимни шеърий тарзда якунлашга жазм қилдим.

Нечун, ёруғ дунёга
Йиғлаб келар чақалоқ.
Тавба!
бир кам дунёни —
Биларми у ўша чоқ?

Умар ХЎЖАЕВ,
Бухоро вилояти Свердлов районидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги.

ҚОЛДИҚИЗДА АЙБ ЙЎҚ

Қадрли «Ишонч»!

«Қафасдаги қиз» сарлавҳали мақолани ўқиб, бир қиз тақдири мени ўйлантириб қўйди. Наҳотки, ҳозирги мустақил Ўзбекистонимизда ҳам қиз олиб қочадиган, бечора қиз бахтига чанг соладиган кишилар бўлса. Яхшиямки, ҳаётда Сафаргул опадек бағри кенг, ўзгалар дардини тушунадиган келинойиларимиз бор экан. Бўлмаса чорасиз қиз ўзини бир нима қилиб қўярмиди? Мен Қолдиқизга сабр-тоқат, матонат тилайман. Ахир доно халқимизда «Сабр таги — сариқ олтин», деган гап бор-ку.

Марҳабо ХОЛОВА,
Ғиждувон районидаги
С. Айний номли ўрта мактабнинг
10-синф ўқувчиси.

бу фақат қулайлик ва аниқлик бўлибгина қолмай, шу кунда нақд пул ўрнини ҳам босади.

Бу шахсий пул ҳужжати бўлиб, уни Ўзбекистон Жамғарма банкининг қайси муассасасида Сиз талаб қилиб олгунингизгача очилган омонат счётингиз бўлса, шу ерда ёздириб олиш мумкин.

Чек дафтарчаси берилган кундан бошлаб, икки йил мобайнида ҳакиқий ҳисобланади, агар Сиз ундан йиртиб олинадиган чек варақаларининг ҳаммасини ишлатиб улгурмаган бўлсангиз унинг муддати яна қўшимча икки йилга чўзиб берилади.

Чек билан Сиз саноат моллари ва маиший хизматлар учун ҳисоб-китоб қилишингиз мумкин.

Бундан ташқари чек дафтарчасининг эгаси мамлакатнинг хоҳлаган Жамғарма банки муассасасида пул олиши мумкин.

Чек паспорт кўрсатилгандагина ҳақиқий ҳисобланади.

ЧЕК ДАФТАРЧАСИНИНГ ЭГАСИ

омонатчининг ҳамма имтиёзларидан фойдалана олади: омонатлар билан бажариладиган муомала тартиби ва йиллик 2 фоизлик даромад

САҚЛАНАДИ!

Банки НИНГ ҲИСОБ ЧЕКИ

ҲИСОБ ЧЕКИ — сизга Ўзбекистон республикасининг ҳамма ҳудудида саноат моллари ва хизматнинг кўп турларига ҳақ тўлашда нақд пул ўрнини босади.

ҲИСОБ ЧЕКИ — шунингдек, йўлда, сафарда ҳам пулингизни сақлашда кулайдир.

ҲИСОБ ЧЕКИ 4 ой давомида ҳақиқий ҳисобланади.

Ўзбекистон жамғарма банки сизнинг хизматингизда!

26-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ЗАРГАРЛИК ВА НАҚҚОШЛИК МУТАХАССИСЛИГИ БЎЙИЧА ПУЛЛИК БЎЛИМЛАРГА ЎҚИШГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ЎҚИШГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ВА ҚАРДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРДА ЯШОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Юқоридаги касблар етишмайдиган корхоналардан ва якка шахслардан Заргарлик мутахассисларини тайёрлаб бериш учун ҳисоб бўлимига 2000 сўм, Наққошлик мутахассисларини тайёрлаб бериш учун эса 2500 сўм пул тўлашлари лозим.

Бизнинг ҳисоб рақамимиз: 000141123. С. Раҳимов давлат банки бўлимида код 3000166509 М. Ф. О. 172682309.

Ўқиш муддати: Заргарлик касби учун 4 ой, наққошлик касби учун эса 10 ой.

Ўқиш бошланиши бўлимларнинг йиғилишига қараб белгиланади.

ШУНИНГДЕК, БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ КАСБЛАРГА ҲАМ БЕПУЛ ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. **Чинникорлик.** Ўқиш муддати — 1,3 йил.
2. **Заргарлик.** Ўқиш муддати — 1,2 йил.

Ўқишга 9—11-синфни тугаллаган ўқувчилар қабул қилинади. (Тошкент шаҳрида яшовчилар).

билим юртига киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим. Директор номига ариза, маълумоти ҳақида гувоҳнома туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, соғлиғи ҳақида маълумотнома, расм (3×4) — 6 дона.

Ўқишга қабул қилинганлар касбларни эгаллаганларидан сўнг гувоҳнома, ўрта маълумоти ҳақида гувоҳнома билан таъминланадилар.

Билим юрти манзилгоҳи: Тошкент шаҳри, С. Раҳимов райони, Сағбон кўчасидаги 17-боши берк кўча, 26-Билим юрти (76, 118, 65-автобусларнинг «Қўш тут» бекати).

Телефонлар: 40-30-36, 40-30-38.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

«СОВИНТУР» ФИРМАСИ сафарингиз бехатар ва қизиқарли бўлишини тилайди!

Агар автомобиль сотиб олишни истасангиз. «Совинтур» фирмаси Сизни Польша ва Голландияга саёҳат қилишга таклиф этади.

Саёҳат муддати: 20—29 апрель ва 20—29 май.

Ҳужжатлар сафардан 40 кун олдин тақдим этилади.

Малайзия. Ҳиндистон. Туркия. Араб амирликларига саёҳат сафарлари уюштириляпти.

Маълумотлар учун телефон: 41-40-96

САФАРИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН!

«КРАМДС-Магнитогорск» савдо-тижорат фирмаси

халқ истеъмоли моллари, озиқ-овқат ва саноат молларини нақд пул тўлаш ва пул ўтказиш йўли билан сотиб олади. Биз мол келтирилганидан кейин давлат банки орқали счетга пул ўтказишимиз ёки мол айирбошлаш йўли билан ҳисоб-китоб қилишимиз мумкин.

Таклифлар билан қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилинг: 454044, Челябинск вилояти, Магнитогорск шаҳри, Ленин кўчаси, 72-уй, 443-хона. Телефонлар: 70524; 72863.

КОРХОНА, МУАССАСА ВА ТАШКИЛОТЛАР, КИЧИК КОРХОНА, ШИРКАТЛАР ҲАМДА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Ишонч» ҳафталик газетасида ўз эълонлари ёки тижоратларини чоп этмоқчи бўлганлар ҳар куни соат 15 дан 18 гача «Правда Востока» кўча 24 уй 5 қават,66-хонада жойлашган «Ишонч» газетаси тижорат, ҳамкорлик ва тадбиркорлик бўлими қабулхонасига мурожаат қилишлари мумкин.

Корхона ва муассаса, ташкилот ва ширкатларни кафолатли хатлар билан, шахсий эълон берувчиларни эса паспортлари билан келишларини сўраймиз.

Улар диққатига тижорат ва эълонларнинг бир квадрат сантиметр жой учун

Ички бетларда босилса	**— 13 сўм 50 тийин;**
Сўнгги саҳифада	**— 15 сўм 00 тийин;**
Шахсий эълонларга	**— 10 сўм 50 тийин;**

Таъзияномалар учун эса — 15 сўм 00 тийин маблағ тўлашларини эслатиб ўтишни маъқул кўрдик.

«Ишонч» газетаси тижорат, ҳамкорлик ва тадбиркорлик бўлими.

Хатлар - ҳаёт ойнаси

АКТЁРЛАР—МАКТАБ САҲНАСИДА

Районимиздаги 143-ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиёти муаллимларининг навбатдаги семинари бўлиб ўтди. Бу анжуман ўзбек адабиётининг йирик вакили, давлат арбоби, хассос шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишланди. Мактаб тил ва адабиёт муаллимаси Манзура Файзуллаева ёзувчи Примқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романи юзасидан 10-синфда мунозара дарси ўтказди. Муаллимлардан К. Алимуҳамедова ва М. Назирбековлар эса мактабда «Ўзбекистон — Ватаним менинг» деб номланган бадиий-мусиқали кеча уюштирдилар.

Ташриф буюрган Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик театрининг актёрлари — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Саидкомил Умаров, Муҳаммадали Абдукундузов, Зуҳра Ашуровалар кечага ўзгача файз киритдилар. Мактаб саҳнасида актёрлар «Юлдузли тунлар» спектаклидан айрим кўринишларни намойиш этдилар, санъат ва актёрлик маҳорати ҳақидаги ўқувчиларнинг саволларига жавоб бердилар ҳамда мактаб драма тўгараги иштирокчилари ижросидаги спектаклдан парчаларни кўриб, уларга ўз муносабатларини билдирдилар.

Учрашув сўнгида мактаб директори Юсуф Юнусов, 63-мактаб ўқитувчиси Наима Насриддинова, 150-мактаб муаллимаси Жамила Камолхўжаева сўзга чиқишиб, бу каби кечалар, синфдан ташқари машғулотларнинг аҳамияти ҳақида гапирдилар.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
Тошкент шаҳар Киров районидаги 274-мактабнинг тил ва адабиёт муаллимаси.

ОНАМГА ЁРДАМ БЕРИНГЛАР

Онам 1964 йилдан буён сут-товар фермасида сут соғувчи бўлиб ишлаб келмоқда. Иш стажи 28 йил, қахрамон она бўлган. У ферма ва давлат хўжалиги раҳбарларига неча марта моддий ёрдам сўраб борди, лекин ёрдам беришмади. Оиламиз катта, нарх-наво эса осмонда. Ҳозирги вақтда онам пенсияга чиқиши мумкинми?

Меҳри АБДУНАЗАРОВА.

МУҲАРРИРИЯТДАН: Биз Меҳри Абдуназарованинг онаси ҳақида куйиниб ёзган мактубини Қарши районидаги Й. Охунбобоев номидаги давлат хўжалиги раҳбарлари ҳам ўқишади деб ишонамиз, қийналиб қолган муштипар онага ёрдамларини дариғ тутмайдилар, деб умид қиламиз.

Саволга келганда шуни таъкидламоқчимиз: 5 ва ундан ортиқ бола туғиб 8 ёшгача тарбиялаган оналар 15 йиллик иш стажи билан 50 ёшдан қарилик пенсиясига чиқадилар.

ТАКЛИФ ШУКИ...

Менга «Ишонч» саҳифаларидаги «Биздан сўрабсиз», «Бизга ёқди, сизга-чи?», «Ишбилармонлик», «Руҳий олам», «Нуқтаи назар» каби рукнлар остида берилаётган мақолалар жуда ёқади. Улар иш фаолиятимизда қўл келмоқда. Мен бир мухлис сифатида яна қуйидаги мавзуларда ҳам мақолалар ўқишни истар эдим: **мактаб ва унинг келажаги; ёшлар бизнинг умидимиз; сиз келажак мактабини қандай тасаввур қиласиз: ўқувчиларнинг олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларидаги найрангбозликлар ҳақида. Кейин инсон хотираси, баркамол инсонлар ҳаёти ҳақида, буюк олимлар тўғрисида мақолаларни кўпроқ ўқишни истар эдим.**

Эрка РАҲИМОВ,
Баҳористон районидаги 2-ўрта мактаб муаллими, халқ маорифи аълочиси.

ХИЛИ КЎПАЙДИ

Отабой Қурбонов Янгибозор районидаги Уйғур қишлоғида кўп йиллар давомида электр пайвандчи бўлиб ишлади. Тўрт йил муқаддам пенсияга чиқдию, ўйлаб ўтирмай «Ўзбекистон» колхози қошида «Хоразм» деб номланган ишлаб чиқариш-қурилиш ширкатини ташкил этди.

Ширкат дастлаб қурилиш-монтаж ишлари билан шуғулланди. Лекин турли қийинчиликлар туфайли фақат темирчилик ва дурадгорлик соҳаларида иш олиб бориляпти. Қичик фарзанди Фарҳод турмуш ўртоғи билан бирга болалар спорт анжомлари тайёрлашни ҳам йўлга қўйди.

Шихназар АҲМЕДОВ,
«Ишонч» мухбири

Бўстон Қудратова Каттақўрғон районидаги Ленин номли жамоа хўжалигининг илғор сут соғувчиси.

— Ишлар жойида, ниятим бундан буёғига ҳам унумдорликни янада ошириш, — дейди у.

Ж. БОБОРАҲМАТ олган сурат.

КОЛХОЗЧИНИ КИМ ЎЙЛАЙДИ?

«Ишонч» газетасининг ҳар сонини ўқиб турамин. Менга 3 февралда чиққан «Дод деб қайга борайлик» сарлавҳали мақола ёқди.

Чунки колхозчини ҳам эсга оладиган мухбирлар бор экан. Уларга колхозчилар номидан катта раҳмат.

Очиғи, кўпгина катта-кичик раҳбарларга колхозчининг меҳнати азизу, лекин унинг қандай яшаётгани билан ҳеч ким қизиқмайди. Ҳозир кўпгина тармоқ ходимларининг ойликлари ошди, лекин колхозчининг ойлигини бирор раҳбар тилга олгани йўқ. Колхозчининг аҳволини ким ўйлайди?..

Т. ҲАМДАМОВ,
Андижон вилояти Пахтаобод районидаги Олим Қурбонов номли жамоа хўжалиги.

Бизга жавоб йўллайдилар

БИЛИШНИ ИСТАРДИМ

деб мактуб ёзибди Шаҳрисабз шаҳар Магистраль кўчасидаги 108-уйнинг 2-хонадонида яшовчи муаллим Саттор Ғаффоров.

— Мен 1945 йил Шаҳрисабз қишлоқларида ўқитувчи бўлиб ишладим. 1983 йилда давлатдан икки хонали квартира олиб, унинг солиқларини тўлаб келаётирман. Шу квартирани шахсий мулк қилиб олиб, унинг солиғидан озод бўлишим мумкинми? Шу ҳақда билишни истардим.

Бу саволга Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари М. Султонов имзоси билан қуйидаги жавобни олдик:

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 13 ноябрдаги Фармонига биноан мактаб ўқитувчилари ва 10 йиллик мактаб стажига эга бўлган пенсионер ўқитувчилар коммунал хизматлари, уй ҳақларини тўлаш, яшаб турган уй-жойни шахсий мулкчиликка олишда имтиёзлардан фойдаланишлари мумкин.

Турар жойни шахсий мулкка ўтказиш масаласи бўйича тегишли ижроия қўмитасига мурожаат қилинг».

ИШСИЗМАН

деб хат ёзибди Гулсара Ҳожиева.

— Мен 1988 йилдан Бухоро вилояти Шофиркон районидаги И. Мўминов номли жамоа хўжалигининг 5-бригадасидаги болалар боғчасида ишлар эдим. Бу боғча мавсумий. Бу йил очилмади. Жамоа хўжалиги бошқарувининг раисига бир неча учрашдим, аммо натижа бўлмади. Менинг 3 фарзандим бор. Ҳамма нарса қиммат ҳозирги шароитда биргина хўжайинимнинг ойлиги етмаяпти. Менинг ишга жойлашишимга ёрдам берсангизлар.

Биз И. Мўминов номли жамоа хўжалик бошқаруви раиси ўртоқ Саидовдан бу хусусда қуйидаги билдириш хатини олдик:

«Жамоа хўжалиги аъзоси Ҳожиева Гулсара ишсизман, деб ариза ёзган эди. Хўжалик бошқаруви келишиб, унга «Қалдирғоч» номли доимий болалар боғчасидан иш берди. У ҳозир шу ерда ишламоқда».

«БОШИНГНИ КАНАЛ ЕЙДИ»

«Ҳурматли ҳафтанома ходимлари!

Мендек кекса онанинг бошига тушган мудҳиш воқеа тўғрисида сизларга маълум қилмоқчиман. 1991 йил 14 июнь эрталаб соат 4—5 ларда қизимни ва унинг икки фарзандини эри каналга чўктириб юборди. Улар автомашина ичида бўлишган эди. Рўлда ўтирган куёвим канал бўйида тезликни оширган ва қаттиқ тормоз бериб, ўзи тушиб қолган-да, машина рулини ўнгга буриб каналга тушириб юборган.

Шу воқеадан 19—20 кун олдин қизимга сенинг бошингни ана шу канал ейди, деб бир неча марта айтган. Ўзи эса ўша кезларда ғойиб бўлиб қолди. Қаерга боргани номаълум. Бировлар жиноятчи-котилни туғруқхона ёнида кўрган, яна у ёғ заводидан кунжара келтириб қишлоқдагиларга сотган. Фақат эрталаб соат 4—4,5 ларда келиб хотини, болаларини машинага ўтказиб йўлга чиққан. Ҳар доим бир боласини «Жигули»нинг олдинги ўриндиғига ўтказарди. Бу сафар ҳаммасини ҳам орқа ўриндиққа ўтказган. Орқа эшикларнинг ручкаларини ичкаридан очмайдиган қилиб қўйган. Воқеа содир бўлган жойга набираларим бориб, сув остидан машинани топишган ва кран билан тортиб чиқаришган, шунда машинанинг орқа эшигини омбир билан очиб жасадларни олишган.

Воқеа содир бўлган жойда район ички ишлар бўлими бошлиғи, район ДАИ бошлиғи, район ички ишлар терговчиси бўлатуриб, жиноят содир қилган кишини экспертизага олиб бормаганлар. Унинг ўзига тегишли ҳайдаш гувоҳномаси ҳам йўқ эди. Машина қизимнинг номида эди. Эри 1989 йилда икки марта судланган эди. Дастлаб 208-модда 1 қисми билан 300 сўм жарима солинган. Кейин 3 йил машина ҳайдаш ҳуқуқидан маҳрум этилган. Лекин шундай бўлса ҳам машинани бошқарган.

1991 йил 19 июнда жиноий иш қўзғатилди. Лекин тергов жуда суст олиб борилди. 208-модданинг 3-қисми билан айб қўйилиб терговчи жиноятчига бутунлай мойиллик кўрсатди.

Бор йўғи 2 та фарзандим бор эди. Битта фарзандим 7 йил олдин отиб ўлдирилган эди. Лекин илтимос, район ички ишлар терговчиларига терговни топширманглар. Уларга бўлган ишончим йўқолган. Наҳотки қасддан болалари ва хотинини вахшийларча ўлдирган кишига шундайгина енгил айб қўйилса. Мен бунга қаршиман. Сизлар ёрдам берасизлар, деган умидда ушбу хатни йўллаяпман.

Б. МАЖИДОВА».

Шу хат юзасидан Ўзбекистон Руспубликаси ички ишлар вазирлиги тергов бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Қ. Н. Бурхоновдан қуйидаги мазмунда жавоб олдик:

1991 йилнинг 14 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига юборилган фуқаро Мажидова Бибишнинг аризаси тергов бошқармасида кўриб чиқилди.

Хат муаллифи Мажидованинг аризасида кўрсатилган холат бўйича хайдовчи У. Хожиевга нисбатан қўзғатилган жиноят иши юзасидан Бухоро вилояти, Бухоро райони ички ишлар бўлими терговчиси Муяссаров томонидан тергов ишлари олиб борилган. Хожиетов Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 208-моддаси 3-қисми билан айбдор деб топилиб, жиноят ишини судда кўриб чиқиш учун Бухоро райони халқ судига юборилган. Халқ судининг ҳукми билан у саккиз йил муддатга озодликдан маҳрум этилган.

Амалдаги қонунга кўра, суд ҳукмидан норози бўлган тақдирда юқори турувчи судга, яъни вилоят ёки Республика Олий судига мурожаат этиш мумкин. Шунга асосан хат муаллифи Б. Мажидовага ёзма равишда хабар берилди.

Бизга ёқди, сизгачи?

ВАЗИФАМ СТАЛИННИ ҚЎРИҚЛАШ ЭДИ

Алексей Трофимович Рибиннинг ёши 84 да. Сталиннинг собиқ соқчиси бўлган Рибин ҳозир уй-жой бошқармаси ҳузурида ташкил этилган гуруҳда болаларга мусиқадан таълим бермоқда. Биз у билан учрашганимизда саволларимизга мамнуният билан жавоб қайтариб, «халқлар доҳийси» ҳақида кўп гапларни айтиб берди.

1936 йилдан 1943 йилгача Алексей Трофимович Катта театрнинг коменданти эди. Ҳозирги пайтга қиёслаганда бу лавозим кўпларга таниш эмас ва ғайри оддий туюлади. Унинг хизмат вазифалари нималардан иборат эди?

— Мен ОГПУ Алоҳида давлат сиёсий бошқармасининг ҳукумат аъзоларига ёрдамчи ҳамроҳ бўлиб юрадиган кишилар махсус гуруҳининг бошлиғи бўлиб ишлаётганимда Катта театрга келиб қолганман. Асосий ишимни кундузи бажариб бўлгач, кечқурун СССР Катта театрининг ҳарбий коменданти бўлиб ишлар эдим. Бу ерда кундузги вазифаларни бажаришни давом эттирар эдим — ҳукумат аъзоларини ва хусусан Сталинни қўриқлаш билан шуғулланардим.

— У театрга шунчалик тез-тез бориб турармидики, санъат кошонасига ҳарбий комендант керак бўлса?

— Сталин спектаклларга ҳар ойда бир неча марта келиб турарди. Бизларга телефон қилишиб, махсус топшириқларни бажарувчи ходимлар Румянцев, Власик, кейинчалик эса Гуков, Хрусталев бугун театрга боради, деб хабар қилишар эди, биз бундан «унинг ўзи» келишини англаб олардик. Баъзан у билан бирга Молотов, Маленков, Калинин ҳам келишарди. Бундан ташқари театр биносида Марказий Комитет ва ҳукумат аъзолари иштирокида тантанали мажлислар бўлиб турарди.

Сталин репетицияларга ҳам назар ташлаб турарди, айниқса 1937 йилда Самуил Самосуднинг янги постановкаларидан огоҳ бўлиб турарди. Мамлакатда коллективлаштириш жараёни бораётганда «Очилган қўриқ» операсини саҳналаштириш вазифаси қўйилган эди. Бу спектакль учун мусиқани И. Дзержинский ёзган эди.

«Очилган қўриқ»нинг охирги репетициясидан кейин Сталин ўзи ўтирган ложага Дзержинский билан Самосудни таклиф қилди. Мен шу атрофда бўлганим учун уларнинг суҳбатини эшитиб турган эдим.

Сталин ёш композитордан: «Сиз классик асарларга қандай қарайсиз?» — деб сўраб қолди. У шоша-пиша, танқидий қарайман, деб жавоб берди. Шундан кейин Иосиф Виссарионович барча мусиқа классикларининг асарларини сотиб олиб, уларни ёстиқ остига қўйиб ухлашни, энг муҳими улардан ўрганишни маслаҳат берди.

— Спектакль пайтида Сталинни неча киши қўриқлар эди?

— Ҳукуматнинг бир неча аъзоси келганида соқчилар ҳам кўпайтириларди. Менинг ихтиёримда жаъми 5—10 киши бўларди, қўшимча яна беш киши юборилларди. Шунинг ўзи бемалол кифоя қиларди. Чунки театрда Сталинга суиқасд қилишга бирор уриниш бўлмаган.

Ҳукумат аъзоларининг ҳар бири зирҳли автомобилда келар эди (Сталин «паккард»ни афзал кўрарди). Улардан ҳар бирининг ёнида топшириқларни бажарувчи ходим бўларди. Сталиннинг машинасида баъзан ана шундай ходимлардан икки киши, масалан, Василий Гуков билан Михаил Старостин бўларди.

— Сизнинг ихтиёрингизда мина излагич, телефондаги гапларни эшитувчи аппаратлар бормиди?

— Йўқ, бунақа нарсалар йўқ эди. Театрга, айниқса ҳукумат ложасига бегона кишининг кириши учун деярли мутлақо имконият йўқ эди. Бундан ташқари мен бош электромонтёр Петр Маркович Воронин билан биргаликда мунтазам равишда бинони айланиб юрардим. У қайси сим қаёққа боришини билиши керак эди. Катта театрда эса мингларча симлар бўлиб, у икки юз минг аҳоли яшайдиган шаҳарга етадиган миқдордаги электр қувватини сарфлар эди. Электромонтёр бирор сим қаёққа боришини айтолмаса, ўша симнинг бир бўлагини кесиб олардим.

— Сталин репетиция жараёнига аралашармиди ёки фақат кузатиб ўтирармиди?

— Аралашганда ҳам жуда фаол аралашарди. Тили ўткир қўшиқчи Валерия Барсова Сталинни барча спектаклларни саҳналаштиришнинг эмакдоши деб атарди.

— Ўша пайтдаги ҳукумат ва Марказий Комитет аъзолари қўшиқчи ва раққоса аёлларнинг жазманлари бўлишгани хусусида миш-мишлар тарқалган. Артистларнинг тақдири уларнинг Сталин, Калинин, Берия кўнглини қанчалик овлашларига боғлиқ эди, деган гаплар бор.

— Сталиннинг бундай муносабатларидан хабарим йўқ. Калинин ҳақида ҳам бирор гап айта олмайман. Берияга келганда, бу гап ҳақ...

— Бундай ишонч билан гапираётганингизнинг асоси борми? Сталиндек кўп йиллар давомида ёлғиз қолган эркак чиройли аёлларнинг меҳрига мухтож бўлмаганлигига ишониш қийин, у айрим аёлларнинг истеъдодига ортиқча баҳо берган-ку ахир.

— Бирор гап бўлганида, мен билган бўлардим. Театрда менга ҳайрихоҳ кишилар анчагина эди, улар ҳамма гапларни менга етказиб туришарди. Артистлардан қайси бири Берия тузоғига тушганини биламан-ку, ахир.

— Маълумки, 1941 йил октябрида Катта театр жамоаси Куйбишевга кўчирилган эди. Сиз эса театр коменданти бўлиб қолавердингиз, бунинг сабаби нима?

— Жамоанинг фақат бир қисми жўнаб кетган эди, лекин тамошалар қўйилмасди, чунки бино миналаштирилган эди.

Унинг ертўласида уч тонна портловчи модда бор эди. Комендантнинг вазифаси Москвани немислар ишғол қилган тақдирда театрни портлатиб юборишдан иборат эди.

— Шунча портловчи модда сақланган пайтда бирорта бомба тушиши театрнинг ўзини ҳам, атрофдаги одамлар яшайдиган уйларни ҳам кулини кўкка совурган бўлур эди-ку?

— Ҳа, 1941 йил 28 октябрда авиация ҳужуми пайтида театрга бомба ташланди. Хайриятки, бу бомба марказий яшик ёнидаги майдонда портлади. Ўн беш киши ҳалок бўлди.

— Келинг, сизнинг комендантлик вазифаларингизга қайтайлик.

— Москвада театрнинг мингга яқин артисти қолган эди. Сталиннинг ташаббуси билан театрнинг филиали очилиб, немислар Москвага жуда яқинлашиб қолган бир пайтда спектакллар қўйила бошлади. Аммо уруш йилларида доҳий театрга жуда кам келар эди.

— Сиз ишсиз қолмадингизми?

— Менинг ишим доимо бошимдан ошиб ётар эди. 1943 йилда мен аҳоли яшириб сақлаётган қуролларни аниқлаш бўйича махсус гуруҳга бошчилик қилдим. Мен ҳукумат аъзолари юрадиган Арбат кўчаси атрофида иш олиб борардим. Мен ҳукумат аъзолари ўтишаётганда уларнинг хавфсизлигини таъминлашим керак эди. Менинг ёрдамчиларим хайрихоҳ кишилардан иборат бўлиб, улар ўз ватанпарварлик бурчларини ихтиёрий равишда ва бирор нарсани тама қилмасдан, ким ва қаерда қурол сақлаётганлиги ҳақида менга хабар бериб туришар эди. Хотинлари эрлари ҳақида, эрлари хотинлари ҳақида, қўшни ўз қўшниси ҳақида хабар етказарди.

— Сизнинг одамларингиз орасида машҳур қишилар бўлганми?

— Улар айғоқчилар эмас, балки кўнгилли ватанпарварлар эди.

— Менимча бу кишиларни мутлақо бошқача аташ керак. Майли, мунозара қилмай қўя қолайлик. Айтинг-чи, Сталиннинг дўстлари бўлганми? У дўстларидан қайси бирига кўпроқ ишонган?

— Ждановдан ташқари унинг энг яқин одами Маленков эди.

Менимча, Сталин фақат соқчиларгагина астойдил ишонар ва бутун умиди бизлардан эди...

Суҳбатдан кейин мен Берия ташкилоти чексиз ҳокимлигининг юз мингларча айғоқчилари изғиб юрган ўша даҳшатли йилларнинг оғир таассуротидан анча вақтгача қутулолмай юрдим. Алексей Рибин ўша даҳшатли давр ҳақида тилидан бол томиб гапирарди. У доҳий ўлимидан кейин ҳам, унинг қилмишлари фош қилиб ташланганидан кейин ҳам социалистик тузумга ва «хўжайинига» содиқ бўлиб қолган. «Бақувват қўл» адолатига, «буюк мақсад» йўлида қамчи зарбининг тантанасига ҳамон ишонади.

Е. ИСАКОВА,
«Труд» газетаси
1991 йил, 23 октябрь

ТУШЛИККА — ИЛОН

Бангладешнинг Раджшахи шаҳрида яшовчи Чень-Бунонинг илон фермаси бўлиб, у бу ерда маҳаллий Хитой ресторани учун илон ва калтакесакларни кўпайтириб етказиб беради. Бир куни фермер ўз меҳнатини тўғри баҳоланмаётганини сезиб қолган: унинг молларига одатдагидан кам ҳақ тўлашган. Маъмуриятга бу ҳақда мурожаат қилган Чень-Буно ҳеч қандай натижага эриша олмаган ва у ўз аламини олмоқчи бўлган.

Кечқурун у ресторанниинг овқатланадиган залига одамларни чақса ҳам зарар етказмайдиган олти дона тирик илонни ҳеч кимга сездирмасдан қўйиб юборган. Узунлиги бир ярим метрдан бўлган бу илонлар ғоят ҳаракатчан ва ҳужумкор бўлишган. Ҳеч нарсадан бехабар одамларнинг кўзлари илонларга тушиши билан саросималик бошланган. Ҳамма ресторанни ташлаб қочган.

Фермер ресторанга тансиқ таом етказиб берувчи ягона таъминотчи бўлганлиги ва одамлар бу ерда тайёрланган таомга ўч бўлганликлари туфайли ҳам ресторан дирекцияси Чень-Бунога ён босишга мажбур бўлган.

90 ЁШЛИ УЧУВЧИ

Андра Нотбек навбатдаги медицина кўригидан ўтгандан сўнг спорт врачлари бу йил ҳам унга дельтапланда учишга рухсат бердилар.

Хўш, нима бўлибди дерсиз? Гап шундаки, Германиянинг Фрайбург шаҳрида яшовчи аёлнинг ёши тўқсонда. Дельтапланда учиш билан у бир неча йилдан бери шуғулланади. Андра Нотбек ҳар қандай вазиятда ҳам ҳафтасига уч соат — шанба кунлари ўзининг севган бу машғулоти билан шуғулланади. «Мен кўпроқ учишим мумкин, — дейди Нотбек, — лекин уйда қиладиган ишларим жуда кўп. Мен тўрт невара ва икки эварага қарашим керак.

ОҒЗИНИ ТИКИБ ҚЎЯҚОЛДИ

● СОЧИ шаҳар ижроия қўмитаси меъморчилик ва шаҳарсозлик бош бошқармасининг шофери норозилик юзасидан ноёб иш қилди — у ўз оғзини ип билан тикиб ташлади. Тикканда ҳам оддий ип билан чокини пишиқ қилиб тикиб ташлади.

«Мемориал» «хотира» жамияти Сочи бўлимининг инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий ҳимоя қўмитасининг раҳбари А. Чургановнинг айтишича, шофер аввал унга шикоят қилиб, ана шу ишни жон аччиғида атайин қилмоқчи бўлганини, чунки ишхонада ундан нима қилиб бўлсада қутилишни истаётганликларини айтган. Низо чиқиш сабабларидан, бири, шофернинг таъкидлашича, у курорт шаҳарда ер талон-тарож қилинаётганлигидан хабардор бўлганлигидир.

Меъморчилик бошқармасида бу низони «соф ишлаб чиқаришга оид» низо деб баҳоламоқдалар. Меҳнат можароси шу

қадар чуқурлашиб кетади, деб ҳеч ким ўйламаган эди. Ишхонадаги келишмовчиликлар туфайли ҳали ҳеч ким оғзини тикиб қўймаган эди.

АФРИКАНИ ПИЁДА КЕЗИБ

● АНГЛИЯЛИК аёл Фийона Кэмпбелл Кейптаун шаҳридан Жазоирга пиёда етиб боргунча эллик жуфт пойабзални алмаштиришига тўғри келади.

Дастлабки ҳисобларга кўра, довюрак аёл ўн тўрт минг километр йўлни яёв босиб ўтишига сал кам бир йил сарфлайди.

Ана шу узоқ масофа — шу пайтгача Америка ва Австралияни пиёда кезиб чиққан Ф. Кэмпбелл бошлаган дунё бўйлаб сафарининг бир қисмигина, холос. «Мен бу сафарга чиқишимдан мақсад ўғил кўриш иштиёқида бўлган отамга мен эркаклардан сира қолишмаслигимни исботлашдир», — деди бутун ер курраси-ни пиёда кезиб чиқишга аҳд қилган дастлабки аёл.

ТОРНИНГ КУТМСИ

ҚАССОБНИНГ ҚАСАМИ

Қорапул бекати ёнида жойлашган гўшт дўкони қассоби Файзиболта Рўзипичоқов эчки гўштини қўй гўшти деб алдаб, килосини қирқ беш сўмдан, ярим килодан мўлроғи калла гўшти-ю, қуруқ суяк, чандир ва қийқимлардан иборат бир кило мол гўштини эллик сўмдан пуллаб турган чоғида қўлга тушди.

— Бундай бемаза бузоқнинг гўштини энди бошқа зинҳор-базинҳор емайман! — деб оғзини тўлдириб қасам ичди жиғилдони тешик қассоб. — Бугундан бошлаб гўштга виждонимни қўшиб сотсам сотаманки, лекин эчки гўштини қўй гўшти ўрнида, калла-почаларни мол гўштига аралаштириб сотмайман.

Шу гапдан сўнг уни қўлга туширган халқ назоратчиси Қуллуқбой Орқабоев қассобга сирли қош қоқиб, кўз учиргач, икки килоча лаҳм гўштни текинга олди-ю, имижимида жуфтакни ростлаб қолди.

Очиқ эътироф этиш керакки, Файзиболта каби «қатъий сўзли» қассоблар сони Орқабоевларга ўхшашлар орқасидан кун сайин ортиб бормоқда ва ҳар қадамда халқ нафратига, харидорлар қаргишига учрамоқда.

АЪЛОЧИ ЧАЙҚОВЧИ

Деҳқон бозорининг доимий чайқовчиси Кундашунда Бозорбоев олтмиш йиллик умрининг эллик йилини тонгдан шомгача бозор пештахтасининг ёнида тик оёқда туриб ўтказди. У аввалига онаси Ақчахон Пултопарованинг ёнида юриб, савдо-сотиқ ишларининг нозик сир-асрорларини ўрганди. Ўн тўрт ёшидан бошлаб эса, ўзи мустақил бозорчилик қила бошлади. Ўттиз беш йилдан бери кўп қаватли уйнинг учинчи қаватида яшашига қарамасдан, харидорлар дастурхонини йил бўйи кўк пиёз, тузланган карам, бодринг, помидор, бошқа хил кўкатлар билан таъминлаб келмоқда.

Бугун ана шу чайқовчининг олтмиш йиллик тўйи бозор ҳовлисида тантанали равишда нишонланди. Тантанада бозор маъмурияти, чайқовчининг ҳамкасблари, доимий харидорлари ва айни чоғда бозор участкавойи иштирок этишди.

Маросим охирида бозор директори Тўймас Бермасов сўзга чиқиб, кўп сонли сотувчилар ва харидорлар номидан чайқовчини қизғин муборакбод этгач, унинг кўксига бозор маъмурияти томонидан таъсис этилган «Аълочи чайқовчи» нишонини тақиб қўйди.

ҲИММАТ ВА ТАШАББУС

Бир юз иккинчи боғчанинг мудираси Покизахон Ошкораева хўжалик мудири Бўламиз Шерикбоевнинг ўзига келтирган одатдаги улуши — олти килоча лаҳм гўштни бош ошпаз Умидворхон Бандабоевага топшириб, ҳаммасини болаларнинг овқатига ишлатишни буюрди.

Бу тасодифнинг устидан чиқиб қолган халқ таълими бўлимининг ходимаси Ҳурматой Обрўева Покизахоннинг бу ҳимматига таҳсинлар айтиб, ташаббусни барча боғчаяслиларнинг мудиралари ўртасида албатта оммалаштиражагини таъкидлади.

АНИҚЛАШГА КИРИШИЛДИ

Деҳқон бозори ёнидаги гўшт дўконларидан бирида осиғлиқ турган қўй танасининг чап сони устига мол дўхтири босган тамғадаги ёзув қассоб диққатини ўзига тортди-ю, сиёҳи чапланиб кетган ҳарфларни ҳижжалаб ўқий бошлади:

— Тамға босилган сон меники, ё ўзини, ё пулини берасан. Шундай қилсанг, касал мол сўйсанг ҳам тамға босиб бераверараман. Акс ҳолда...»

Ҳозир ана шу тамғани мол дўхтирининг ўзи ясаганми ёки бошқа биров ясаб берганми, аниқлашга киришилди.

Нормамат ТОҒА.



ХЎП-ХЎП АКАМ

Доно, ташаббускор, одил
раҳбарлар ўқимасин.

Ишни расво айладингиз, дилни қон, хўп-хўп акам,
шни расво айладингиз, дилни қон, хўп-хўп акам,
Ким уни танқид қилса, чеккай фиғон, хўп-хўп акам.
Солланиб юргай яна ширин хаёл оғушида,
Айтинг, ўйғонгай қачон, жоҳил нодон хўп-хўп акам.

Ҳузурига кириш учун дўстлар соатлаб кутгайлар,
Ишлар битмас, лолу ҳайрон, лахта-лахта қон ютгайлар.
У эса кўкрак кериб юргай товус мисоли,
Қачон уйғонгай сизда, айтинг, виждон, хўп-хўп акам.

Бузди кўнгилни нетай, ёлғон билан хўп-хўп акам,
Солмангиз афсун билан дўстлар кўзига чўп акам.
Бўлмагай ҳаёт яхши, виждон оёқ остида,
Бўлса агар нодон раҳбар сизлар каби кўп-кўп, акам.

Садриниса ФАЙЗИЕВА.



— Ассалом, ажойиб шоири олам,
Сизга дуо айтди амма-ю, холам!

Оббо, мақола яна чала қоладиган бўлди чоғи. Қаршимда эшикни ланг очиб қўйганча Қаландаров домла турарди. Ноилож илжайиб, ўрнимдан турдим:

— Келинг, домла, келинг. Қани, буёққа, — сўрашиш асносида юқоридаги курсига таклиф қилдим.

— Йў-йў, баҳузур ўтираверинг. Бизга мана шу ер ҳам бўлаверади. Қани овмин...

Қаландаров домлани биз орқаворотдан «Календарь домла» деймиз. Асли ўзининг айтишича, «писмедоними» (тахаллусим демоқчи) Шошқиний. Домла мавсумий, яъни календарь шеърларнинг «устаси». Мелиораторлар кунидан тортиб балиқчилар кунигача, ихтирочилару нефтни қайта ишлаш саноати ходимлари байрамигача, ишқилиб календарда қайси касб эгаларининг «куни» бўлса, домла шеър бағишлайди. Жуда илҳоми жўш уриб кетганда эса, «Шошқиний ўгитлари» деган туркумда «эккиликлар» битади.

Одатдаги ҳол-аҳвол сўрашишдан сўнг домла атрофга аланглаб каталакдай хонамизни кўздан кечира бошладилар. (Билмадим, нечанчи марта). Кутганимдай нигоҳлари «Номаълум қиз» суратига келганда тақа-тақ михланди-қолди.

— Бай-бай-бай... Росаям, а? Бу укам, айбга буюрмайсиз, бу гўзал моҳитобонни исм-шарифлари нимайди?

— «Номаълум қиз».

— Э, қўйсангиз-чи, нега номаълум бўларкан? Ҳа, биламиз, сиз бўйдоқ шоирларни, биламиз... Бошимиздан ўтган,— домла гапини исботламоқчидай асли туси қанақалиги билинмай кетган шляпасини олиб бошининг соч тарк этган қисмини оҳиста силаб қўйди. — Майли, яшираверинг-чи. Ома лекин бошидаги телпаги анча қиммат турса керак. Ҳа, ҳа, беш юз, ҳатто минг сўмликлари бор, деб эшитганман...

— Домла, янгиларидан борми? — «суҳбат»ни қисқартириш мақсадида доғланмаган оқ ёғ ичаётгандай ўзимни мажбурлаб сўрадим.

— Бор, бор бўлганда қандоқ. Биз ҳузурларига қуруқ келармидик. Меравой эккиликлар бор, кейин...

— Танкчилар кунига бағишланган, — домланинг гапини давом эттирдим.

— Ҳа, ўлманг. Яъниким, ўн бир кечакундуздан сўнг нишонланайдурғон танкислар датасига бағишланган шеър опкелдим.

— Ўқийлик бўлмаса...

— Ўқиймиз, албатта ўқиймиз, — домла халтамонанд костюмининг ён чўнтагидан нос шишасини олди. «Кайфи ҳалолий»дан тил остига ташлади. — Ҳожий, бий минит...

У сирти шўрлаган бўз тупроқни эслатувчи оқиш папкасини очиб икки букланган умумий дафтар олди. Қўл узатдим.

— Йў, ҳожий, ўжим...

Дафтарнинг ёзилмаган бир варағи «кайфи ҳалолий» йўлида «қурбон» бўлди, домла уни чаққонлик билан йиртиб олиб «воронка» ясади... Кафти билан лаб-лунжини артди-да, янги «эккиликлар»ини излай бошлади.

— Э-э, мана! Тарбиё, одоб-ахлоқ мавзусидаги эккиликлар. Эшитинг:

«Видионо кўриб болалар қоратога уста бўлди,
Тарбиёси хўп бузилиб, каллалари пуста бўлди».

Домла «боплабманми?» дегандай менга қаради.

— Яхши-ю, сал... — чайналдим мен.— Шу «каллалари пуста бўлди» деганингиз...

— Ука, энди, «уста» билан «пуста» қофиявий жиҳатдан йиғлаб кўришиб турибди-да. Яъниким, камина айтмоқчиманки, видио важидан ёшлар тарбиёси бузилиб, калла, яъниким, бошлари бўмбўш, значит пуста бўлди...

— Тўғри, бироқ... — жўялироқ баҳона топганимдан суюниб давом этдим... — Ўзингиз айтгандай ҳозир каратега ишқибоз болалар кўп. Биз уларни «каллалари пуста» десак, аччиқланишиб...

— Дарвоқе, яъниким, айтмоқчисизки, кўча-кўйда, кўздан холироқ жойда рўпара бўлсак... Олимсиз, ука, олимсиз. Мана, чиздик, батамом чизиб ташладик, балодан ҳазар... Мана бунисини эшитиб боқинг-чи:

«Аптобусда семичка чақмас эсли болалар,
Шартта туриб жой берар чиқса аммахолалар».

Яна биттаси:

«Аптобусни онангни уйи билма, ҳей бола,
Семичка пўчоқ ташлаб расво қилма, вей бола!»

— Мана булар бошқа гап, — домла мақтовдан сариёғдай эрий бошлади, — агар бу иккиликлар бирорта болалар газетасида босилиб чиқса борми, шофёрлар сизга тўн кийгизишлари турган гап.

— А, сизларда, яъниким, ўзимизни раян газитасида чоп этиб...

— Домла, ўзингиз тушунасиз, бу иккиликларингиз болалар тарбиясига, яъниким болаларни семичкадан бездиришга бағишланган. Шундай бўлгач...

— Ҳай, майли. Унда танкисларга бағишланган...

— Буниям зўр йўли бор. Агар сиз шу шеърингизни «Красная Звезда»га юборсангиз борми...

— Яъниким айтмоқчисизки...

— Ҳа-да. Ҳарбийларнинг бу ажойиб газетаси танкчилар кунига бағишланган шеърингизни қучоқ очиб кутиб олади. Кўрибсизки, биринчи бетда Шошқиний имзоси билан...

— Бу «Кирасни Звезда»ни адриси...

— Мана, — тортмадан газетани топиб узатдим.

— Ия, бу ўрисча газет, яъниким бизни шеър ўзбакча бўлса, қандоқ...

— Сиз юбораверинг, ўзлари бир зумда ўрисчага таржима қилишади-ю, кейин...

Домла гапимга ишонқирамагандай бўлиб «Эккиликлар» дафтарини ёпди. Папкага солиб, ўрнидан турди.

— Демак, таржима қилиб... Хўп бўлмасам. Вақтингизни олдик, яъниким газитага рози бўласиз...

— Ие, домла, бемалол. Айтгандай «Танкистлар» «таржима» бўлиб чиқса, ўша газета билан қайтарарсиз...

Календарь домлани ташқарига кузатиб қайтдиму, чала қолган мақолани четга суриб, ҳажвияга уриндим. Ана шу.

Зоҳиджон НЕЪМАТ.

Ойнаи жаҳонда

9—15 март

ДУШАНБА

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Ҳиндистонга икки билет». Мультфильм. 18.30 «Дала юмушлари». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Абдулла Қодирий жамғармаси». Адабий кўрсатув. 19.50 «Инсон ва табиат». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 «Қўшиқ байрами». Эстрада дастури. 21.30 «Санъат усталари». Ўзбекистон халқ артисти Омина Фаёзова. 22.40 Футбол бўйича ўртоқлик учрашуви. «Пахтакор»—«Трактор» (тошкент). (Ёзиб олинган).

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ ҚЎРСАТАДИ

18.30 «Совға». 18.50 «Ассалому алайкум» (такрор.). 19.50 «Самарқанд». Телефильм. 20.00 «Лаҳза». Хабарлар. 20.10 «Дўстларнинг Наврўз тортиғи». 20.40 «Билиб қўйган яхши». 20.55 «Ўтмишсиз келажак йўқ». 21.40 «Шарқ дурдонаси». Эрон хонандаси Гугуш куйлайди. 22.30 «Табор кўкка интилади». Бадиий фильм. 24.00 «Лаҳза». Хабарлар.

● «ОРБИТА IV»

16.55 «Эртага бувимнинг туғилган куни». Мультфильм. 17.15 «Чемпионлар билан биргаликда». 18.00 Янгиликлар. 18.25 «Саҳнанинг нариги томонида. Табассум билан». 18.45 Рукн премьераси: «НЭП». 19.15 «Сабр косаси». Бадиий фильм. 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.25 «Янги студия» таништиради: «ВМ репортёри», «Стайтинэйджер». 22.45 Муаллифлар ойнаи жаҳони: «Бирок», «ЭЗЖ», «Москва акссадоси», «АТВ брокер», «Монтаж». 24.00 «Янги студия» таништиради: «Мусиқий дайджест». 00.25 Футбол шарҳи.

● «ДУБЛЬ IV»

16.45 «Золотица»да джаз душанбаси». 17.30 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 17.45 Спорт хабарлари. 17.55 Эълонлар. 18.00 Хабарлар. 18.20 ТрансРосэфир: «Йўллар ва...» (Ростов Дон). 19.00 Хореографик миниатюралар. 19.15 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб» 19.30 «Россия билан юзма-юз». 19.50 «Танишинг, «Рост». Болалар ва ўсмирлар учун кўрсатув. 20.20 «Ҳар бир кун байрам». 20.30 Россиянинг телевизион театри. Г. Белль. «Тутқич бермаслар». 21.40 Танаффус. 21.55 Эълонлар. 22.00 Хабарлар. 22.20 «Осойишта уй». 00.05 «Любэ» гуруҳи.

СЕШАНБА

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Топилмалар идораси». Мультфильм. 1—2-фильмлар. 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Талабалик йилларим». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Ҳуқуқ ҳаётимизда». 19.55 «Спортлото». 20.00 «Ўзбек адабиёти хазинаси». Ўзбекистон халқ шоири Қуддус Муҳаммадий. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 «Мусиқий кадриятларимиз». Катта ашула. 2-кўрсатув. 21.55 «Театр ва замон». «Наврўз» фестивали ҳақида». 22.35 «Тақдир инъоми». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

Ўқув кўрсатувлари

10.30 Ҳуқуқий давлат ва ҳуқуқ асослари. Бозор иқтисодиёти шароитида давлат ва ҳуқуқ. 11.00 «Замин нуқтаси». Телефильм. 11.30 Информатика. Алгоритмлар.

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Деҳқон хўтикча». Мультфильм. 18.45 «Балет оламида». Л. Делиб. «Коппелия». 2—3-кўринишлар. 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.10 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида. 21.30 «Кинонигоҳ». 23.15 «Пульс». Хабарлар.

● «ОРБИТА IV»

6.00 «Тонг». 8.35 «Бўри ва етти эчки боласи янгича талқинда». Мультфильм. 8.45 Украина Давлат хизмат кўрсатган бандурачилар капелласининг концерти. 9.30 «Олов билан ўйнашиш». Телевизион бадиий фильм премьераси («Грузинателефильм»). 10.45 «Радиоацион назорат ва хавфсизлик». 11.05 «Фермата». Ахборот мусиқий кўрсатув. 11.35 Футбол шарҳи. 12.00 Янгиликлар. 12.25 Спорт гимнастикаси бўйича МДҲ чемпионати ва кубоги. 12.55 «Эх, Топтигин, Топтигин». Мультфильм. 13.10 «Тажриба, маҳорат, илҳом». Халқ артисти Н. А. Анненков ҳақида. 14.25 «Ён дафтар». 14.30 «Бу сизга керакми?». 14.45 «Савдо растаси». 15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 15.25 Ольга Иванова сабоқлари. 15.40 «Судга чақириқ қоғози». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 16.55 «Болалар мусиқий клуби». 17.40 «Қуённикида ҳовли тўйи». Мультфильм. 18.00 Янгиликлар. 18.40 «Мавзу». 18.20 И. С. Бах. 6-«Бранденбург концерти». 19.25 «Олов билан ўйнашиш». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.20 Хоккей. МДҲ чемпионати. «Динамо» (Москва)—«Химик». 2 ва 3-даврлар. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Кичик спорт майдонидан олиб кўрсатилади. 23.00 Телевизион танишув. Урмас Отт Лех Валенса билан сухбатлашади. 24.00 «Фермата». Ахборот мусиқий кўрсатув. 00.30 «Европага очилган дарча». 00.40 Кикбоксинг бўйича жаҳон чемпиони унвони учун матч.

● «ДУБЛЬ IV»

8.00 Хабарлар. 8.20 Француз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 8.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Қўлни бер, дўстим». 9.05 Француз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 9.35 Болалар соати (француз тили дарси билан). 10.35 «Осойишталик № 9». 11.45 Мультфильм. 11.55 «Бешинчи ғилдирак». Бадиий-публицистик кўрсатув. 13.40 Деҳконларга тааллуқли масала. «Асаларичиларга маслаҳатлар». 16.45 «Простор +». 17.15 «Большой Толкай — Мордва қишлоғи» (Самара). 17.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 18.00 Хабарлар. 18.20 Трансресэфир: «Кавказ-ревю» (Пятигорск). 19.05 Христианлар учун кўрсатув. 19.35 Ишдан бўш пайтингизда. «Балиқ» белгиси билан. 19.50 Репортер. «Берлинда бир кеча». 20.00 «Россия билан юзма-юз». 20.20 «Ҳар бир кун байрам». 20.30 Эълонлар. 20.35 «Само элчиси». Ҳужжатли фильм. 21.20 Россия телевидениеси ҳамда РИА ТВ таништиради: «Кулгили воқеалар», «Ўз-ўзига режиссёр». 21.55 Эълонлар. 22.00 Хабарлар. 22.20 Эълонлар. 22.25 «Юлдузларнинг Голливуд намойиши». 23.15 «Зеркала» (Кўзгулар) ахборот-аналитик кўрсатуви. 23.45 «Донолар учун ликбез». 00.20 Жамоатчилик фикри. 00.30 «Автошоу».

ЧОРШАНБА

● ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 8.25 «Мўъжизакор гўзаллик сири». Телефильм. 8.55 Такрорий фильмлар экрани. «Тугатишга киришилсин». Бадиий фильм. 1-серия. 10.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Тележарида». 18.00 Янгиликлар. 18.10 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида». 18.35 «Иссиқхона хўжаликларида». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Дирижёр ҳикоя қилади». 19.55 «Ўзбекистон бойлиги». «Ўзбектелефильм» премьераси. 20.15 Тижорат канали. «Тадбиркорлар ҳузурида». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 «Мушоҳада». 21.40 Қўзижон Отажонов куйлайди. 22.15 «Барча постлар диққатига». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

Ўқув кўрсатувлари

10.30 Физика. Ярим ўтказгичлар ва улар асосида ишлайдиган қурилмалар. 11.00 «Саратовдан салом». Телефильм. 11.30 Математика. Ўнди касрлар.

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради...» Мультфильмлар тўпламн. 19.20 «Барҳаёт санъат». Андрей Миронов. Кинокўрсатув. 20.05 «Спринт». 20.25 «Ишбилармонлар». 21.10 Кичик концерт. 21.30 «Акция». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

6.00 «Тонг». 8.35 «Энг билағон қуён». Мультфильм. 8.50 «Болалар мусиқий клуби». 9.35 «Олов билан ўйнашиш». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 11.10 К. Голезовскийнинг хореографик композициялари. 12.00 Янгиликлар. 12.25 «Г. Доре. Санъатдаги умр». 13.15 «Инсон институти». 13.55 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин?». 14.10 «Ён дафтар». 14.15 «Телемикст». 15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 15.25 «Тинчлик сақлансин, операция бормокда». Мультфильм. 15.30 «Аревик». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 16.35 Камчатка камер оркестрининг концерти. 17.00 «Чоко ва Боконинг саргузаштлари». Мультфильм. 18.00 Янгиликлар. 18.20 «Алвидо, диктатура». Телефильм премьераси. Испаниянинг Франко диктатурасидан буржуа демократиясига ўтиши ҳақида (ИТА — «Экран»). 19.10 «Олов билан ўйнашиш». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.20 Хоккей. МДҲ чемпионати. МАСК — «Крилья Советов». 2 ва 3-даврлар. МАСК Спорт саройидан олиб кўрсатилади. 23.00 «Қора кути». 23.40 З. Соткилава концерти. 00.40 Тхэквондо. Халқаро турнир. Қозондан кўрсатилади. 00.55 «Мусиқий башорат».

● «ДУБЛЬ IV»

15.30 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 16.30 «Менеджерлар мактаби». 17.00 «Ҳаёт кузи». 17.15 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 17.30 Ишдан бўш пайтингизда. «Қўлни бер, дўстим». 17.45 Мансаб алифбоси. «Стиплер» фирмаси. 18.00 Хабарлар. 18.20 Эълонлар. 18.25 Трансросэфир: «Бир овчилик мулкида» (Владимир). 19.10 «200 юкли рейс». В. Цветов шарҳи. 19.50 «Ҳар бир кун байрам». 20.00 Россиянинг парламент хабарномаси. 20.15 Мультфильм. 20.25 Қисқа метражли бадиий фильмлар: «Кўчамиздан оркестр ўтди», «Ўйиннинг охири». 20.55 Теле-матбуот. Россия Федерацияси Конституцион судининг раиси В. Д. Зорькин иштирокида. 21.55 Эълонлар. 22.00 Хабарлар. 22.20 Театр сафари. Пермлик «Ҳазилкаш улфатлар». 22.55 «Экзотика». Мусиқий ахборот кўрсатуви.

ПАЙШАНБА

● ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 8.25 «Мусаввир Дурди Байрамов», «Ранглар жилоси». Телефильмлар. 9.05 Такрорий фильмлар экрани. «Тугатишга киришилсин». Бадиий фильм. 2-серия. 10.10 «Ёшлик» студияси саволларингизга жавоб беради. 10.50 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоаси концерти. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Топилмалар идораси». Мультфильм. 3—4-фильмлар. 18.30 «Чорвадор». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Алифбо сабоқлари». 19.55 «Соз ва суҳбат». Мусиқий кўрсатув. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 «Мезон». Бадиий фильм публицистик кўрсатув. 21.55 «Экран таништиради». 23.10 «Мерседес» ҳайдаган одам». Бадиий фильм. 1-серия.

● ЎзТВ II

Ўқув кўрсатувлари

10.30 Табиатшунослик. Ер ости бойликлари ва улардан фойдаланиш. 11.00 «Табиат — ҳаёт чашмаси». Кинопрограмма.

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Қувноқ сайр». Фильм-концерт. 19.00 «Бу оқшомда». 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.10 «Бу оқшомда» кўрсатувининг давоми. 21.30 «Кинонигоҳ». 23.15 «Пульс». Хабарлар.

● «ОРБИТА IV»

6.00 «Тонг». 8.30 «Чоко ва Боконинг саргузаштлари». Мультфильм. 9.30 Беларусь Давлат рақс ансамблининг концерти. 10.15 «Россиянинг мунгли манзараси». 11.00 З. Соткилава концерти. 12.00 Янгиликлар. 12.25 «Пи» белгиси билан. 13.15 «Доира бўйлаб». Телефильм премьераси. «Она замин ташвиши туркумидан (Екатеринбург). 13.45 Л. Бернстайн. Симфоник рақслар. 14.10 «Ён дафтар». 14.15 «Телемикст». 15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 15.20 Кўрсатувлар тартиби. 15.25 «Бугун ва ўша пайтларда». 15.55 «Аревик». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 17.00 Болалар учун фильм. «Иккинчи қаватдаги саккизоёқлилар». 1-серия. 18.00 Янгиликлар. 18.25 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 19.05 «Досье». 19.30 Режиссёр Г. Данелия фильмлари. «Москва бўйлаб бораман». 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.20 «Веди». 22.20 «Театр учрашувлари». 23.35 Поп-гуруҳларининг Болалар уйи жамғармасига хайрия концерти.

● «ДУБЛЬ IV»

8.00 Хабарлар. 8.20 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 8.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб». 9.05 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 9.35 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 10.35 «Катанга — Шимолий экзотика». 10.55 «Чиройли бўлгим келади» (Самара). 11.30 Теле-матбуот: «Россия Федерацияси Конституцион судининг раиси В. Д. Зорькин иштирокида. 12.25 «Севги изҳори». 12.40 Камера ўтмишни тақиқ этади. «Алексей Толстой тақдири». 13.40 Деҳконларга тааллуқли масала. «Игорь Маслов сабоқлари». 15.55 «Бизнес ва ўзим ҳақимда». 16.05 «Нафис лаҳзалар». 16.35 «Ишонтир мени ва мен яшайман». Ҳужжатли фильм. 17.10 Жаҳон бозорининг калити. 17.40 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 17.55 Эълонлар. 18.00 Хабарлар. 18.20 ТрансРосэфир: «Узоқ Шарқ». 19.05 Ишдан бўш пайтингизда. «Диққат, сувратга олаяпман». 19.20 «Россия билан юзма-юз». 19.40 «Нота-бене» студияси. 20.20 «Ҳар бир кун байрам». 20.30 Махсус тижорат хабарномаси. 20.40 «Исроил ҳақида тушлар». «Абадий шаҳар». 2-фильм. 21.25 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида. 21.55 Эълонлар. 22.00 Хабарлар. 22.20 Эълонлар. 22.25 «Бешинчи ғилдирак». Бадиий-публицистик кўрсатув. 00.25 «Нептун байрами». Бадиий фильм.

ЖУМА

● ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 8.25 «Куйла, дуторим». Фильм-концерт. 8.50 «Холодильникда кимдир бор». Бадиий фильм. 10.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона». 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Сахий эртак», «Катта Ух». Мультфильмлар. 18.35 Тижорат канали. «Деҳқончилик саноати банки — тадбиркорлар ҳамроҳи». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Адолат». Ҳуқуқ масалалари. 20.00 Мумтоз куйлардан концерт. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 «Маърифатнома». 21.35 «Табиб». Наманганлик табиб Н. Абдуллаев. 22.45 «Мерседес» ҳайдаган одам». Бадиий фильм. 2-серия.

● ЎзТВ II

Ўқув кўрсатувлари

10.30 Зоология. Йиртқич ҳайвонлар. 11.00 «Баҳорги ҳиёбон». Телефильм. 11.30 Биология. Ҳозирги замон селекциясининг ютуқлари ва вазифалари.

18.05 ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ

● «ОРБИТА IV»

6.00 «Тонг». 8.35 Болалар учун фильм. «Иккинчи қаватдаги саккизоёқлилар». 1-серия. 9.35 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 10.15 «Бесўнақай иш». Телефильм. 10.45 «Театр учрашувлари». 12.00 Янгиликлар. 12.20 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан). 13.20 Спорт ҳамма учун. 13.50 Хива шақшлари» ўзбек фольклор дастасининг чиқиши. 14.15 «Ён дафтар». 14.20 «Бридж». 14.45 «Бизнес-класс». 15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 15.25 «Делегатскаядаги музей». 15.55 «Сояда 40 даража иссиқ». Телевизион бадиий фильм. 17.00 «Образ». Юқори синф ўқувчилари учун кўрсатув. 18.00 Янгиликлар. 18.25 В. Валиуллин чалади (гармонь). 18.40 «Инсон ва қонун». 19.20 «Менинг оилам ва бошқа жониворлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 9-серия. 19.50 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони». 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.20 Хоккей. МДҲ чемпионати. МАСК — «Спартак». 2 ва 3-даврлар. МАСК Спорт саройидан олиб кўрсатилади. 23.00 «ВИД» таништиради: «Ток-шоу», «Музобоз», «Спорт», «Шоу-биржа», «Хит-конвейер».

● «ДУБЛЬ IV»

8.20 «Ишбилармон кишилар даври». 9.20 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 9.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Диққат, сувратга олаяпман». 10.05 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 10.35 «Бешинчи ғилдирак». Бадиий-публицистик кўрсатув. 12.35 Деҳконларга тааллуқли масала. «Масленицадан рўзага». 15.55 «Бизнес ва ўзим ҳақимда». 16.05 «Сиз учун Михаил Новохижин куйлайди». Рус композиторларининг романслари. 16.30 Ҳужжатли экран. 17.10 «Простор +». 17.40 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 17.55 Эълонлар. 18.00 Хабарлар. 18.20 ТрансРосэфир: «Европа — Оснё». (Оренбург). Бадиий-публицистик кўрсатув. 19.05 «Версия». 19.20 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб» 19.35 «Сиёсий бўлим». 20.20 «Ҳар бир кун байрам». 20.30 «Асл ҳолича». Татаристон Президенти М. Шаймиев. 21.30 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида. 22.00 Хабарлар. 22.20 Эълонлар. 22.25 Россиянинг парламент хабарномаси. 22.40 «Пепси стилидаги мусиқа». 23.40 «Маски-шоу».

ШАНБА

● ЎзТВ I

8.00 «Ассалому алайкум». 9.00 «Мовий тоғлар ёки ҳақиқатдан узоқ воқеа». Бадиий фильм. 10.30 Ўзбек тилини ўрганамиз. 11.00 «Ҳужжатли экран». Кинокўрсатув. 11.45 «Имтиҳон — билим синови». 12.15 «Ўзбекистон саноати». 12.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Иш билганга минг танга». 13.30 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Замандас», «Айтишув» (қозоқ тилида). 15.30 Тижорат канали. «Элга хизмат: талаб ва таклиф». 18.00 «Кумуш қўнғироқча». Мультфильм. 18.15 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Инглиз тили. 19.50 Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ижодхонасида. 20.30 «Туркистон» ахбороти. 21.00 «Мусиқий учрашувлар». Раҳматжон Қурбонов. 22.20 «Муҳаббат риштаси». Бадиий фильм. 1 ва 2-серия лар (Ҳиндистон).

● ЎзТВ II

12.05 АШХОБОД КЎРСАТАДИ

● «ОРБИТА IV»

7.30 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 8.35 «Алёшанинг эртаклари». Мультфильм. 8.45 Тонгги мусиқий кўрсатув. 9.15 «Марказ». 9.55 «Китобхона». 10.45 «Ҳамдўстлик» видеоканали. 12.00 С. Раҳманинов «Кўклам», Контата. 12.20 «Астрахань эртаклари». Илмий-оммабоп фильм премьераси («Экран»). 13.00 «ЭХ». Экологик хроника. 13.15 Ўз-ўзингга мадад бер. «Тақдир формуласи». 14.00 Янгиликлар. 14.25 «ЖТВ-I» ҳамда «Франинтернационал» канали «Форт Бойяр калити» телеўйинини таништиради. 15.25 «Зазеркалье». «Товус-Малика». Бадиий фильм. 17.05 «Бир бокишда муҳаббат». 1-кун. 17.45 Н. Паганини «Венецианча карнавал». 17.55 «Қизил квадрат». 18.35 «Ҳайвонот оламида». 19.20 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм премьераси. 19.45 «Саккиз қиз — бир ўзим». Эльдар Рязановнинг муаллифлик кўрсатуви. 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.25 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Иккинчи хотин». Бадиий фильм (Венгрия — Франция). 22.40 Синхрон сузиш. «Советская женщина» журналининг совғини учун халқаро мусобақалар. «Олимпийский» спорт комплексининг сув ҳавзасидан олиб кўрсатилади. 23.05 «Балиқ» белгиси билан». 00.35 «Қоронғиликдан қилинган ҳужум». Деррик» туркумидан телевизион бадиий фильм (ГФР телевиденнеси).

● «ДУБЛЬ IV»

8.00 Хабарлар. 8.20 «Сиз яратган боғ». 8.50 Мультфильм. 9.00 Миллий баскетбол уюшмасининг баскетбол шарҳи. 9.30 «Бу уйни ким курган...»

10.00—13.15
ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ
«ДЎСТЛИК»
ВИДЕОКАНАЛИ

13.15 «Познер ва Донахью». АҚШдан ҳафталик кўрсатув. 14.10 Эълонлар. 14.15 «Қандай яшаймиз?». 15.00 «Чистие прудидаги уй». В. Кобрин мактаб-студиясида меҳмонда. «Шу ерда». Қисқа метражли фильм премьераси. 16.50 Кўнгилочар ўйинлар. 17.15 «Бурда моден» таклиф этади... 17.45 Танаффус. 18.00 Хабарлар. 18.20 «Боскининг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм. 18.50 Россия энциклопедияси. «Баджахл подшо». Кўрсатув муаллифи ва бошловчи, академик Н. М. Панченко. 1-кўрсатув. 19.35 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида. 20.00 «Ҳар бир кун байрам». 20.10 «Кечир». Бадиий фильм. 21.55 Эълонлар. 22.00 Хабарлар. 22.20 Эълонлар. 22.25 Криминал канал. «Мутлако маҳфий». 23.20 «К-2» таништиради: «Абзац», «3, 2, 1» ва «Гувоҳлар ҳузурида». «Ўлиб тирил». Бадиий фильм.

ЯКШАНБА

● ЎзТВ I

8.00 «Туркистон» ахбороти. 8.30 «Биргаликда куйлаймиз». «Камалак» қўшиғи ўргатилади. 8.55 «Соат занг урар экан». Бадиий фильм. 10.10 Араб тили. 10.40 «Экран зийнати». Кинокўрсатув. 11.40 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». 12.30 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Илм иста...» 14.30 «Халқ севган достонлар». Абдуқаҳҳор Раҳимов ижросида «Гулнор пари». 15.30 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Рангинкамон» (тожик тилида). 18.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Табиат шайдолари». 18.30 Турк тили. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Санъат усталари». Республикада хизмат кўрсатган артист Неъмат Дўстхўжаев. 20.20 «Баҳор лавҳаларн». «Ўзбектелефильм» премьераси. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 «Якшанба оқшомида». Мусиқий кўрсатув. 21.50 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Омад». Мусиқий-тижорат кўрсатуви.

● ЎзТВ II

9.05 БИШКЕК КЎРСАТАДИ

● «ОРБИТА IV»

8.00 Ритмик гимнастика. 8.30 «Спортлото» тиражи. 8.50 «Эрта саҳарлаб». 9.30 «Камалак» халқ ижодиёти телекўрсатувлари IX халқаро фестивали (Индонезия) 9.50 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин». 10.20 «Тонг юлдузи». 11.10 «Франция. Бизнеснинг оддий сири». 1-қисм — «Вилоят меҳмонхонаси». 11.35 «Лимпопо». 12.05 «Пи» белгиси билан. 12.35 «50×50» телетомошаси. 13.55 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси (Мексика). 15.00 Янгиликлар. 15.25 Қатталар учун мультфильмлар: «Скамейка», «Бировнинг деразаси». 15.40 «Саёҳатчилар клуби». 16.40 «Бир бокишда муҳаббат». 2-кун. 17.20 «Останкино»нинг халқаро канали таништиради: «Жаноб Ландсбергис билан 40 минут». 18.00 «Уолт Дисней таништиради...» 18.50 «Телелюция». 19.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 19.20 «ТВ-Нева» таништиради: «Ким биз билан?». 19.40 «Масхарабозликнинг айби». Телевизион бадиий фильм премьераси (ВКС «Артель», «Беларусь фильм» киностудияси иштирокида). 22.00 «Якунлар». 22.45 Вячеслав Зайцевнинг модалар театри. 23.45 «Лорд Артур Сэвилнинг жинояти». Мультфильм премьераси. 23.55 «Парадиз-коктейль». 00.55 «Джазмен». Телевизион бадиий фильм.

● «ДУБЛЬ IV»

8.00 Хабарлар. 8.20 «Байрам» (Саратовдан кўрсатилади). 8.50 «Хоҳ ишонинг». 9.20 «Само элчиси». Ҳужжатли фильм.

10.05—13.20
ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ
«ДЎСТЛИК»
ВИДЕОКАНАЛИ

13.20 «Бу гўзал ҳаёт». Бадиий фильм (АҚШ). 15.30 Янги ёзувлар ҳақида мусиқий ахборот кўрсатуви. 16.15 Миллий баскетбол уюшмаси профессионаллари ўртасида жаҳон чемпионати. 17.15 «Афсунгарлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси (Франция). «Жожо профессор». 17.45 Россиянинг парламент хабарномаси. 18.00 Хабарлар. 18.20 Эълонлар. 18.25 Россия энциклопедияси. «Баджахл подшо». 2-кўрсатув. 19.25 «Джаз қадимий оҳангларда». 20.20 «Ҳар бир кун байрам». 20.30 «Независимая газета» таништиради. 22.00 Хабарлар. 22.20 Эълонлар. 22.25 Вариацияли мавзу. 23.05 «Независимая газета» таништиради. (давоми).

Юртнинг таниқли хонандаларидан Охунжон Мадалиевга бир гуруҳ дўст-мухлислари ибрат-омуз умр кечирган, кўпнинг иззат-икромига сазовор бўлган отаси

Нусратжон ота МАДАЛИЕВнинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, унга сабр-тоқат тилайдилар. Юртга шундоқ ўғил берган отанинг ҳоки-поки знёратгоҳ, руҳи-поки оқ бўлсин. Қабри нурларга тўлсин. Буёғига отангизнинг арвоҳи қўлласин, Охунжон.

Сўнгги саҳифа

Мукаррама Турғунбоева номли «Баҳор» Давлат рақс ансамбли ўзбек санъати довруғини ёйди. «Баҳор» қизларини ҳамма ерда билишади, севиб қарши олишади.

Шу кунларда «Баҳор» қизлари Ўзбекистон халқ артисти, шу ансамблнинг бадиий раҳбари Маъмура Эргашева бошчилигида атоқли санъаткор Мукаррама Турғунбоева хотирасига бағишлаб қатор рақсларни тайёрлаяптилар. Улар Мукаррамахоним ижро этган барча гўзал рақсларни яна саҳнага олиб чиқиб, санъат мухлисларига туҳфа этиш ниятида тинмай машқ қилаётирлар.

Ансамбль чет эл сафарларига алоҳида программада рақслар гулдастаси тайёрлаяптилар.

Суратларда: Ансамбль раҳбари Маъмура Эргашева устоз ўгитларини сира унутмайди, Гулнора Низомова моҳир раққоса. Машқ қизғин.

О. ҚУРБОНБОЕВ суратга олган.

«НИҲОЛ» БЎЙИ ЧЎЗМОҚДА

Илгари даволаниш истагида бўлганлар касаба уюшмаларидан асосан олисдаги санаторийларга йўлланма ундиришга ҳаракат қилишар эди. Эндиликда республикамиз даволаш масканлари ҳам улардан қолишмайдиган бўлиб қолди. Бу борада Тошкентдаги «Чинобод», Наманганнинг «Чорток», Фарғонанинг «Чимён» санаторийлари анча донг таратди. Кейинги икки йил мобайнида санаторийга бориш истагида бўлганлар ичида «Ниҳол»га йўлланма беришни сўраб ариза ёзувчилар сони кўпайди. Хўш, бу қандай шифо маскани, у нега бунчалар эл оғзига тушиб қолди?

Наманган вилояти Учқўрғон районининг энг хушманзара жойида — Катта Фарғона канали бўйида жойлашган бу соғломлаштириш маскани ташкил этилганига уч йил бўлмоқда. Шу вақт ичида у ихлосмандлари меҳрини қозона олди. Мен бу санаторийни бунёд этишда район раҳбарлари бош-қош бўлишгани, райондаги барча ташкилот ва муассаса, хўжаликлар ҳашар қилишгани, шунинг учун ҳам у жуда қисқа муддат — ўн бир ойда қуриб, фойдаланишга топширилганидан хабарим бор эди. Бу ерда бир неча марта бўлиб, унинг ташкилотчиси ва бош ҳакими Абдулбосит Деҳқонов билан суҳбатлашган, бу ерда амалга оширилаётган ибратли ишлар билан танишиб чиққан эдим. Ўтган йили санаторийнинг йўлдоши — 60 ўринли «Наврўз» ҳам ишга туширилди. Дарё бўйида қад ростлаган бу сўлим маскан уруш ва меҳнат фахрийлари учун мўлжалланган.

«Ниҳол» йилнинг ҳамма фаслида ҳам даволанувчилар билан гавжум бўлади. Бу ерда дам олиб, даволанган киши яна бир бор келишни орзу қиладиган бўлиб қолади. Бунга албатта, санаторийдаги даволаш усулларининг яхши йўлга қўйилгани, даволанувчиларга яратилган шароит сабаб бўлса керак. Бу ерга келувчилар даволаниш билан бирга яхши ҳордиқ чиқаришлари учун ҳам барча имкон мавжуд. Спорт зали, кинохона, клуб, видеосалон, қироатхона уларнинг ихтиёрида. Ҳафтада бир марта концерт томоша қилишади, саёҳатларга чиқишади. Газета дўкони, савдо шаҳобчалари мунтазам ишлаб туради. Чойхўрлик килиб гурунглашувчиларга чойхона мунтазир. Энг муҳими, бу ерга йўлланма олган оналар ёш болаларини ҳам олиб келишлари мумкин. Улар соғломлаштириш муолажасини олаётганларида ва саёҳат, экскурсияларга кетган вақтларида фарзандлари санаторийда ташкил этилган болалар боғчасида — тажрибали тарбиячи қарамоғида бўлади.

Бу ерда асосан асаб системаси, ҳаракатлантирувчи органлар, юрак-қонтомир, аёллар касалликлари билан оғриган беморлар даволанишмоқда. Тажрибали ҳакимлар уларни минерал сув билан ванна қилиш, физиотерапия муолажалари, балчиқ ва доривор гиёҳлардан тайёрланган дамламалар ёрдамида даволашяпти. Булардан ташқари игна билан, уқалаш ва психотерапия орқали ҳам дарддан фориғ қилишмоқда.

Санаторийда хизмат қилаётган ўн нафар ҳакимнинг ҳаммаси икки хил мутахассисликни эгаллаган. Масалан, кардиолог Тўхтахон Жўраева беморларни кантактсиз уқалаш-психотерапия билан даволаса, невропатолог Давлатмирза Эргашев нина билан даволашни ҳам ўзлаштирган.

«Ниҳол»га йўлланмалар санаторий маъмуриятининг вилоятлар билан тузган шартномалари асосида тақсимланади. Бу ерда ҳозир ҳам республикамизнинг турли бурчакларидан келган икки юздан ортиқ киши даволанмоқда. Шулардан бири Андижон вилоят, Избоскан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» давлат хўжалигида яшовчи Баҳодир Давроновдир.

— Касбим шофёрлик, — дейди у. — Оёқ ва бел оғриғи билан касалланганман. Бу ерга иккинчи бор келишим. Ҳавоси тоза, яхши даволашади. Энг асосийси бош ҳакимдан то оддий ҳамширагача хушмуомала. Бу эса даволанаётганларга руҳий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

Самарқанд вилоятидан Бибихон Норбоева, Бухоро вилоятидан Олимжон Баҳромов, Қашқадарё вилоятидан Бердиёр Шералиев, қорақалпогистонлик Ширин Юсуповалар ҳам биз билан суҳбатда миннатдорчилик сўзларини изҳор қилишди. Даволанувчиларнинг айтишича, айниқса шифобахш гиёҳлардан тайёрланган турли дамлама ва кайнатмаларнинг ёрдами катта бўлмоқда.

Дарҳақиқат бу ерда иккита фитобар ташкил этилган. Ҳозиргача хом ашё вилоят дорихоналар бошқармасидан олинар эди. Санаторий ҳакимлари яхши ташаббус бошладилар. Улар дастлаб махсус экспедиция уюштириб, район территориясида ва яқин атрофдаги тоғларда қандай шифобахш гиёҳлар ўсишини харитага туширдилар. Гиёҳлар пишиб етилган пайтда эса йиғиштириб олинди. Шу тариқа қўшимча хом ашёга эга бўлинди. Бундан ташқари санаторий хўжалик ҳисобида ишловчи «Лекраспромхоз» экспериментал совхози билан ҳам ҳамкорлик қилмоқда. Бу хўжалик шифо маскани учун турли доривор ўсимликлар етиштириб беради.

Ўрик мевасининг юрак фаолиятини мустаҳкамлаши халқ табобатида тўла исботланган. Шу боис бу ерда бошқа мевалар қатори 60 сотих ерда ўрик етиштирилмоқда. Бундан кўзланаётган бошқа мақсад ҳам бор. Санаторий маъмурияти ўрикзорни янада кенгайтириб, бу ерда ўрик ва наъматак мевасидан юрак касалликларига мўлжалланган шифобахш ичимлик ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи. Шу мақсадда очиладиган кичик корхона шишага минерал сув қуйиб чиқариши ҳам кўзда тутилган.

Даволанувчиларга янада қулайлик яратиш мақсадида 105 ўринли учта янги корпус, Норин дарёси бўйида чўмилиш жойи қурилмоқда. Қўқон яқинидаги барханлардан 150 тонна қум келтириш режалаштириляпти. Мақсадга эришилгач, даволанувчилар қум ваннаси ҳам олиш имкониятига эга бўладилар. Ёзги спорт майдончаси ва болалар ўйин майдончаси битай деб қолди.

— Озиқ-овқат маҳсулотлари нархи кўтарилган бир пайтда биз ўз ёрдамчи хўжалигимизни ташкил этишга киришдик, — дейди санаторий бош ҳакими Абдулбосит Деҳқонов. — Мақсадимиз шифо маскани ошхонасини ўзимизда етиштирилган гўшт, сут, товуқ гўшти ва балиқ билан таъминлаш. Санаториймиз ҳудудини ўн тўрт гектарга кенгайтириб, мевазор боғларни кўпайтиришни режалаштираяпмиз. Аммо ютуқларимиз билан бирга муаммоларимиз ҳам бор. Шулардан асосийси канализация масаласидир. Соғломлаштириш маскани-дан Учқўрғон шаҳригача бўлган беш километр масофага канализация қувури ўтказилиши керак. Маблағдан қийналмаймиз, ҳомийлар ҳам тайёр. Фақат шу ишнинг оталиғини олиб, бош-қош бўлувчи ташкилот топилмаяпти.

Бахтиёр МАНСУРОВ.

ИШОНЧ

Бош муҳаррир

Тўлқин ҚОЗОҚБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Анвар АҚБАРОВ, Акмал АКРОМОВ (масъул котиб), Муҳаммадлатиф ЖУМАНОВ, Жасур НОСИРОВ (бош муҳаррир муовини), Шарифа САЙДВАЛИЕВА, Муҳайё ТЎЛАГАНОВА, Шабот ХЎЖАЕВ, Болтабой ЮСУПОВ (бош муҳаррир муовини), Турсун ҚЎШАЕВ, Дилбар ҒУЛОМОВА.

● Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36

● Бош муҳаррир муовинлари — 56-52-89

● Масъул котиб — 56-52-78

● Котибият — 56-87-59

БЎЛИМЛАР:

● Касаба уюшмаси ва иқтисодий ҳаёт — 56-82-79

● Социал адолат ва қонунчилик — 56-87-63

● Маданият, маънавият ва табиат — 56-82—79

● Хатлар ва оммавий ишлар — 56-87-78

● Безатиш ва суратқашлик — 56-85-79

● Тижорат, ҳамкорлик ва тадбиркорлик — 56-87-73

● Ишлаб чиқариш ва хўжалик ишлари — 56-87-74

● Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

● Якка тартибдаги обуна нархи 39 сўм 00 тийин.

● Корхона ва муассасалар учун обуна нархи 52 сўм 08 тийин.

Сотувдаги нархи 1 сўм.

● ДУШАНБА кунлари чиқади.

● Босиш учун 1992 йил 6 мартда топширилди.

● Навбатчи масъуллар:
Болтабой Юсупов
Алишер Ҳакимов

● ҚЎНИМГОҲИМИЗ:

700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

Буюртма № Г-41

● 139.250 нусхада босилди.

● Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёти-матбаачилик концернининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12